Рес. библиотека Узбекистана 2 1.297

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 22 ноябр Шанба.
№ 91 (14483)

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистоннинг келажаги буюк. Мамлакатда халқ хўжалигини индустрлаштириш учун зарур бўлган энг муҳим асос - сиёсий ва ижтимоий барқарорлик мавжуддир. Бундан ташқари у юксак малакали мутахассисларга, табиий бойликларга ҳам эга. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар Марказий Осиёдаги бошқа давлатларга нисбатан анча муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Я. ШИМОМУРА,
япон олими

Жаҳон АА хабар қилади

ЎЗБЕКИСТОН -- ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

"Ўзбекистонда бизнес қилинг" деб номланган конференциянинг Буюк Британия, Малайзия ва Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилиши қўплаб Европа ва осиёлик тадбиркорларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга бўлган қизиқишларини оширди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегациясининг айни кунлардаги Америка Қўшма Штатларига ташрифи ана шу тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди.

Нью-Йорк шаҳридаги "Палас" меҳмонхонасининг анжуманлар залида ўтказилган "Ўзбекистоннинг сармоя имкониятлари" тақдимот маросимида бизнинг мамлакатимиз ишбилармонлари билан бизнес алоқаларини ўрнатишга жиддий ҳаракат қилаётган қатор Америка бизнес вакиллари тўпланди.

Республика экспорт имкониятлари кўргазмаси, қатор вазирликлар, ассоциациялар, банклар ва компаниялар раҳбарлигидан иборат делегация аъзолари, ҳамда аллақачон мамлакатимизда иш тажрибасига эга бўлган Америка фирмалари вакиллари қизиқувчиларга республикадаги сармоя имкониятлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар беришди.

-- Ўзбекистон - ишончли ҳамкор. Бу мамлакат вакилларида шартнома интизомига нисбатан юксак ҳурмат бор. Ўзбекистон ҳукумати ва Миллий банкида мавжуд ўта юқори даражадаги ташаббускорлик, ўзбек-америка бизнеси ривожланишига ҳамкорлик қилишга интилиш борлигидан биз ниҳоятда мамнунмиз,- дейди "Чейз Манхеттен банки" ижроия вице-президенти Томас Свайне.

Ўзбекистон делегацияси вакиллари АҚШ Федерал заҳира банки фаолияти билан танишдилар. Нью-Йорк жамғарма биржасида бўлдилар, шунингдек машҳур иқтисодий "Уолл-стрит жорнал" нашри раҳбарлари ва журналистлари билан учрашдилар.

Баҳодир МАМАЖОНОВ,
НЬЮ-ЙОРК

БУТУНЖАҲОН САЙЁҲЛИК БОЗОРИДА

17-20 ноябр кунлари Буюк Британия пойтахтида жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатидан келган сайёҳлик фирмалари вакиллари иштирокида Бутунжаҳон сайёҳлик бозори ("World Travel Market") бўлиб ўтди.

Лондон сайёҳлик бозори ҳақиқатан ҳам халқаро туризм соҳасида Халқаро сайёҳлик ташкилоти ҳомийлигида ўтказилаётган энг катта ва обрўли тадбирлардан ҳисобланади. Лондон анжумани бошқаларидан ишларнинг яхши ташкил этилганлиги, реклама ва хорижий ҳамкорлар билан янги алоқалар ўрнатиш учун катта шароитлар яратилганлиги билан ажралиб туради.

1993 йилда Ўзбекистон Халқаро сайёҳлик ташкилотига аъзо бўлганди. Лондон сайёҳлик бозорида тўртинчи марта иштирок этаётган бу йилги Ўзбекистон делегацияси таркибида "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, Тошкент "Буюк ипак йўлида сайёҳлик" халқаро туристик ярмаркаси раҳбарияти, "Узинтур" ҳамда "Осиё интур бизнес" ҳиссадорлик жамиятлари, республиканинг бошқа йирик туристик ширкатлари ва меҳмонхоналарининг вакиллари бор.

Ўзбекистон ҳайъати вакиллари кўзлаган бош мақсад -- хорижий ҳамкорларни республикадаги туризм учун мавжуд имкониятлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш, мамлакат сайёҳлик инфраструктурасини ривожлантириш учун хорижий сармоядорларни жалб этиш эди.

Бутунжаҳон сайёҳлик бозорида ўзбек делегациясининг иши самарали бўлди. Унинг натижасига кўра Европа, Америка, Осиё ва Африка мамлакатларининг юзлаб туристик фирмалари ва компаниялари Ўзбекистон тўғрисида сайёҳлик учун улкан имкониятлар мавжуд бўлган ва барқарор ривожланаётган мамлакат сифатида ёрқин тасаввурга эга бўлдилар.

Жамшид МУТАЛОВ,
ЛОНДОН

Президент стипендияси совриндори



КИЧИК КАШФИЁТЧИ

Илм тасодиф эмас, унга минг-минг машаққату, қийинчилик билан эгалик қилиш мумкин.

Қаҳрамонимиз Бахтиёрнинг кейинги йилларди эришган ютуқлари-ю, топган обрўси бизни ана шундай хулосага олиб келди.

Бахтиёр Мазгаровни куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат степендияси совриндори бўлганидан кейин кўпчилик таниган, билган бўлиши мумкин. Аммо, у ўқиётган Тошкент Давлат техника университетида "кичик кашфиётчи"ни ҳамма билади.

Бахтиёр шу институтнинг электрон автоматика ва ҳисоблаш техникаси факультети IV курс талабаси. Ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган тизимларни программа таъминоти мутахассислиги бўйича таълим олади. Компьютерни мукаммал эгаллаган, инглиз тилини яхши билади.

Аъло ўқиш билан бирга турли программа таъминотлар бўйича изланишлар олиб бормоқда. Ҳозирда иккита илмий мақоласи бор.

Бахтиёрнинг илмий мақолалари мутахассислар эътиборига тушиб, давлат тилини ўрганиш воситаларини яратишда қўллаш мумкинлиги аниқланди. У кўтарган мавзулардан "Компьютер-Осиё" илмий-техника паркида яратилган "Лотин ёзувига асосланган ўзбек тили имлосини компьютерда ўрганиш" тизмида фойдаланилди ва республикадаги 70 дан ортиқ корхона, ташкилот, муассасаларга бу тизим етказиб берилди.

Бундан ташқари бугунги кунда Бахтиёр Мазгаров Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг буюртмаси асосида бажарилаётган "Ўзбек тилидаги матнларни инглиз тилига автоматик таржима қилиш" илмий тадқиқот ишларида қатнашмоқда.

-- Юртимизда яратилаётган имкониятлар ҳар куни биз ёшларни янгилик қилишга ундаяпти -- деди биз билан суҳбатда Бахтиёр. Аввало Президент стипендияси совриндори бўлишимга институт қоларверса мактабдаги ўқитувчидомлаларимнинг ҳиссалари беқиёсдир. Улар мен учун бор билимларини аямадилар. Ўйлайманки шундай жонкуярлар кўпайса юртимизда иқтидорлилар сони ортаверади.

Олдинлари эди, бошқа юртли- ёш ихтирочиларга, иқтидорлиларга ҳавас қилардик, уларни олқишларга кўмардик. Бугун эса шукурким ўзимизникини, Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Улуғбек авлодларини, буюклар руҳлари тарк этмаган замин фарзандларини мақташга имкон топилмоқда.

Сўз бошида айтганимиздек Бахтиёр эндигина йигирма ёшни қаршилаяпти. Аммо ўз билимини Ўзбекистоннинг шон-шуҳратини юксакларга кўтариш учун сарфламоқда. Бу каби ёшлар орамизда жуда кўп. Энг қувончлиси эса эртасига умид боғлаган ёшлар ўз вақтини зое кетказмаётгани. Уларнинг бу буюк кашфиётидир.

ЛАЙЛО,
"Туркистон" мухбири

Муаллифлар баҳсга чорлайди

ТЎЙ -- МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Субҳидам Учқўрғоннинг қоқ белига кумуш камар бўлиб тушган дарё мавжланиб, "...қатра ғуборсиз, ранг-баранг товланиб оқмоқда. Кўкимтир тўлқинлар ўркач-ўркач бўлиб гўё қўл ушлашиб олишгандек, сарғимтир қирғоқларга шалоб-шалоб урилади. Тоғлар ортида қуёш ботмоқда, сувнинг тошларга урилиб ҳосил қилган кичик тўлқинчалари кўзни қамаштириб, пушти ранг касб этар.

Узоқларда осмон гумбазига бош урган тоғларнинг оч бинафшаранг тизмалари кўзга ғира-шира илинарди.

Тизмалар устида кул ранг булутлар оҳиста сузиб бормоқда. Осмондаги юлдузлар узоқ-узоқдан мўралашса ҳам, гўё улар шундай яқиндан ҳар бири ўзича нур сочаётгандек туюлади". Бу азим юртнинг сутдек ойдин оқшомлари ўзининг ажиб хислатига эга. Бирдан қайдандир чилдирманинг қувноқ овози янгради, ёру кўкни қўшиқнинг дилхуш оҳанглари тутди:

Келин келдими, куёв,
Отдами ё яёв?
Ўчмасин машъал -- олов
Гуркира оташ -- олов...

Юлдузлар чарақлаган шундай гўзал оқшомда ҳамма ёқни қувноқ яллалар босди. Тўй тантанаси тун қучоғида баликдай сузиб борарди. Бирдан баҳор тўлқинидай кучли тўлқин билан катта саҳна ёйилиб кетди.

Келин ўтирган минг бир рангда товланаётган машина худди денгизда ҳаракатсиз турган қайиқдай қалқиб турарди. Яна куй авжида. Бир ёқда ноғора-ю, сурнай овози, бир томонда чапаклар, сарвиноз қоматли куйловчилар бутун борлиғини унутиб ўлан айтар:

Келин келди сепи билан,
Бир арава зеби билан,
Куёв келин бўйига боқ,
Белбоғингни боғла тезроқ.

Бундай ҳолатда ким ҳам қўшиқнинг мазмунига эътибор қилади, дейсиз. Аммо, таралаётган қалб оҳанги сўзсиз ҳам самимий соф ниятли қалб эгасининг бутун қувончи, тилакларини ифодалаб беради. "Ёр-ёр" садоси қанот ёзиб, яна ҳам кучлироқ янгради. Дилрабо куй бир-бирига уланиб, бир-бири билан алмашиб боради.

Энг нафис ва дилрабо оҳанглар туркона тўйнинг бутун тароватини намойиш қилмоқда...

Зотан никоҳ тўйи, у билан боғлиқ шарқона туйғулар хусусида... Халқнинг шодлиги, беғубор бахтиёрлик лаҳзаларини тараннум этувчи, "орзу-армонлари, дардининг даракчиси туркона туйғулар худди халқнинг ўзи, тили, урф-одати каби умрбоқийдир. Никоҳ тўй маросими барча халқларда, миллатларда бўлгани каби туркий, хусусан ўзбеклар ҳаётида ҳам муносиб ўрин тутади. Бу файзли маросимнинг юзага келиши, унинг илк илдизлари жуда қадим даврларга бориб тақалади. Маросимшунос, забардаст қадимият билимдонларининг илмий далиллари фикрларимиз нечоғли асослилигини ойдинлаштиради:

Қадимги уруғчилик жамиятида, дунё халқларида бўлганидек, Ўрта Осиё халқларида ҳам **эндогам** никоҳ анъанаси ҳукм сурган. Уруғчилик жамиятининг емирилиши билан бу хил никоҳ анъанаси унут бўлган ва мазкур ҳодиса **экзагом** никоҳнинг пайдо бўлиши, таркиб топишига йўл очган... Никоҳ маросими ўзига хос хусусиятларига кўра бошқа маросимлардан ажралиб турган.

Алишер Навоийнинг "Мезонул-авзон" асарида "Ёр-ёр" қўшиғининг узоқ тарихи тўғрисида қимматли фикрлар бор. Ҳазрат ёр-ёр таърифида шундай ёзган эди: "Яна чинга "ёр-ёр" дурким, турк улуси эуфоф ва қиз кўчирур тўйларида ани айтурлар..."

Қайси чамандан эсиб, келди сабо ёр-ёр,
Ким дамидан тушти ўт, жоним аро ёр-ёр.

Буюк бобокалонимиз туркона ҳаёт, куй ва сурудларни улуғлайди.

Тўй таърифини назм ила қуйлайди:

Гулу сабза айёмида бўлди тўй,
Бўлиб гулшан ойин била шаҳру кўй.

Юртдошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам аруз вазни муносабатида ёр-ёрларга мурожаат этган.

Хўш, ота- буваларимиздан мерос қолган, авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар давомида таффакур нури ила сайқалланган никоҳ тўй маросимнинг ҳаётдаги ўрни қандай? Бугунги кунда турмушимизга,хусусан тўйларимизга янгича урф-одатлар сингдирилаётган бир пайтда дилларни қитиқловчи, қалбларни селдек тўлқинлантирувчи ёр-ёрлар маросим билан уйғунми? Никоҳ тўй маросимининг ёшларимизнинг маънавий ҳаётидаги тарбиявий аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?

Ҳа, тўй -- халқ маънавиятининг кўзгуси. Тўйларимиз ёшлар дунёқарашининг шаклланиши ва тарбиясида сўзсиз муҳим ўрин тутади. Маънавиятимизни юксалтириш ва давр талаблари даражасига кўтариш тўйларга бўлган муносабатларимизга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бас, шундай экан, маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устивор йўналиши тарзида эътироф этилаётган тарихий бир даврда тўйларга беписанд бўлишликка ҳеч кимнинг маънавий ҳаққи йўқ. Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, қадимий туркона тўйларни тарғиб ва ташвиқ этиш фақатгина мозийнинг ўзига хослигини, маънавий руҳий ҳолатини теранроқ идрок қилишга эришиш билан чекланмайди. Энг асосийси уни сайқаллаш ва ривожлантиришни ҳам тақозо этади. Бундай ҳолат миллий анъаналарнинг умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилишини таъминлаши мумкин. Таассуфки, тўқайга ўт кетса ҳўлу қуруқ баробар ёнади деганларидек, мустабид, тузум мудҳиш сиёсати исканжасида тўйларимиздаги миллийлик анчайин сусайди. "Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўттизинчи йилларгача ҳам урф-одатларимиз ҳамин қадар ўзига хос таровати билан сақланиб турган" (Ҳалим Саййид) Таажжубки, сўнгги йилларда, аниқроқ айтганда худосизлар байроқдор, ошиғи олчи бўлган даврларда уларнинг исломга хуружи урф-одатларимизнинг аёвсиз хас-чўпдек оёғости қилинишига сабаб бўлган.

1957 йилда Андижонда, 1960 йилга келиб Наманганда илк бор "Комсомол тўй" ўтказилиб, у жаҳоншумул кашфиёт тарзида тарғиб этилганлиги ҳали кўпчиликнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Ўша маҳалларда комсомол тўйининг ижодкор ва ташаббускорлари тўйлардаги ўзига хос энг нозик миллий туйғуларга қақшаткич зарба бердилар.

Ҳатто, улар ўта оддий тушунчалар тўйлар хусусий қонун-қоидалар асосида эмас, балким халқ унинг теран дунёқараши орқали намоён бўлишлигини англаб етмадилар, аниқроғи, буни истамадилар. Зеро, одамзоднинг дунёқараши -- билимлар йиғиндисигина эмас, шунингдек, миллий заминга илдиз отган ҳис-туйғулар силсиласи ҳамдир. Аслида турғунлик давридаги жирканч сиёсатнинг асосий моҳиятини миллийликнинг ҳар қандай кўринишини имкон қадар йўқ қилиш ташкил этарди. Бинобарин, инсоният тарихидан ойдек маълумки, ҳар қандай нарса ҳаётнинг ва зарурияттнинг натижасида вужудга келиб, эўравонлик, басирликнинг оқибатида йўқликка юз тутади. Тўғри, ўша турғунлик йилларида тўйлар хусусида ҳам бахс ва мунозаралар узликсиз бўлган. Даврий нашрларда мақолалар босилган. Лекин тан олиб айтмоғимиз лозимки, яхши, хайрли ишлар билан бирга, тўйларга ёндашишимизда бирёқламалик устун бўлган. Айниқса, тўйларимизнинг қадимий манзараси асосан қора бўёқларда тасвирланди. Жумладан, баъзан давр руҳига тарғиб, мақсадга зид ҳолатда қўшиқлар ҳам эълон қилиндиким, бундан кўз юмиб ўтолмаймиз:

Оқ айвонда туриб шоли туймадим,
Олди шойи, орти алвон киймадим.
Қари бойни кўнглим билан севмадим,
Ўз тенгимга тушиб даврон сурмадим.

Қўшиқ ҳасратли, ғамли. Эшитсанг ич-ичингдан эзилиб,

(Д а в о м и иккинчи бетда)

БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС

Миллий кадрлар -- миллат фахри

"Талабалик -- олтин даврим" деб бежиз айтмаганлар. Бу даврни унумли ва сермазмун ўтказган талабанинг келажакда яхши мутахассис бўлишига шубҳа йўқ. Шу маънода Тошкент давлат Банк коллежининг қабул қилинган бу йилги талаба-болаларига омад кулиб боқди деса бўлади. Куни кеча пойтахтдаги Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрида Тошкент Банк коллежининг бўлажак молиячиларини талабаликка қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир сўнгида ёшларга талабалик гувоҳномаларининг топширилиши муносабати билан театр жамоаси томонидан "Ҳаёт эшик ортида" номли янги спектакль намойиш этилди.

А. САЪДУЛЛАЕВ

"Камолот" янгиликлари

МУНОСИБ СОВРИН

Ўзбекистон Республикаси "Камолот" жамғармаси мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти билан ҳамкорликда ёшларни хизматга тайёрлаш, уларнинг техник касбларни эгаллашлари ҳамда спортнинг амалий техник турларини ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилмоқда.

Куни кеча "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгашида "Спортни техник ва оммавий турларининг аҳволи, уларни такомиллаштириш йўллари" масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унинг якунида спортнинг айрим турлари бўйича халқаро ва Республика чемпионатларида юқори натижага эришган ўн нафар спортчилар "Камолот" жамғармасининг эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Совғаларни "Камолот" жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари К.Юсупов топширди. Мукофотланганлар орасида биатлон бўйича Европа чемпиони наманганлик Муҳаббат Кондакова, жаҳон чемпионатининг олтин медали соҳиби тошкентлик Андрей Разимовский ва бошқа чемпионлар бор.

Л.СУВОНОВ,
"Туркистон" мухбири

ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИДА

АДИБ ХОТИРАСИ БАРҲАЁТ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг шоир, адиб, драматург ва таржимон "Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорининг таркибий қисмини Андижонда Чўлпон номли боғ, шоир ҳайкали ва уй музейининг барпо этиш ишлари ташкил қилади. Андижон шаҳар ҳокимлиги томонидан бунёд этилган Чўлпон ёдгорлик музейи биноси бағрида унинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи мозийгоҳ барпо этиш юмушлари ҳам жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Тадқиқот ишлар юзасидан музей ташаббуси билан тузилган "Чўлпон илмий экспедицияси" қизиқарли таассуротларга бой бўлди. Қўқондаги Ҳамза музейида бўлган онлар, Чўлпоншунос олим, филология фанлари доктори Озод Шарафутдинов, филология фанлари номзоди Аҳмаджон Мадаминов, адибни яқиндан билган Дилшод Олимжонов, Абдусаттор Раҳимовлар билан бўлган суҳбатлар экспедициянинг энг сермазмун дақиқаларини ташкил этди.

Илмий экспедиция аъзолари шоир ҳаёти, фаолияти ҳамда у яшаган даврга оид турли ҳужжатлар, китоблар, фотосуратлар, матбуот нашрларидан нусхалар, Чўлпон драмаларининг саҳна безаклари ва бошқа бой, қимматли ашёлар тўплаб қайтишди.

Шу кунларда музей жамоаси экспедиция давомида олиб келинган қимматли манбалар асосида Чўлпон ёдгорлик музейини қайта жиҳозлаш ишларини олиб бормоқда.

Дилшодбек ЮСУПОВ

Суратда: экспедиция аъзолари Қўқонда

ХАСТАЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИБ

Ёш қизларни ҳаётга тайёрлаш борасида Жиззах вилоятидаги "Камолот" бўлимининг халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Қизларни турмушга тайёрлаш", "Аёл, оила ва маҳалла" дастурлари асосида иш олиб борилмоқда.

Қизларнинг эрта турмуш қуриш ҳолатлари, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш борасидаги ишлар вилоят аллия бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда қилинаяпти. Жойларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, семинар ва турли учрашувлар ёшларда катта қизиқиш уйготмоқда. Ахир доно халқимиз айтади-ку: "касални даволагандан кўра олдини олган маъқул" деб.

Ўз мухбиримиз

ЕРОСТИДА ҲАМОН ШЎРОЛАР ТИЛИ

Ана холос?!!

Метрода кетаётсам бир мўйсафид одам, чамаси шаҳримизга меҳмон бўлса керак, навбатчи аёлдан Эски шаҳарга бориш учун қандай ҳаракат қилиш керакligини сўради. Навбатчи рус тилида жавоб бера бошлади. Лекин биринчи гапданоқ мўйсафиднинг бу тилни билмаслиги аён бўлди. Шундай бўлсаям навбатчи қайта-қайта ўз тилида тушинтираберди.

Яна бир куни фарзандларим билан метро вагонида кетаётган эдик, болада, қизиқувчан бўлади, девордаги рекламаларни ўқишга тушдилар. Ҳар бир рекламани ўқиб бўлганларидан сўнг мендан таржимасини сўрарди. Мен ҳам эринмай айтабердим. Ўзимчалик хурсанд ҳам бўламан, болаларим бир вақтнинг ўзида ҳам инглиз тилини, ҳам рус тилини, ҳам ўзбек тилини ўрганаётирлар деб. Лекин шу пайт қизим, "Дада, нега ҳамма рекламалар рус тилида берилган?" деб сўраб қолди. Биз катталар доим хаёл билан юриб эътибор бермаймиз. Диққат билан қарасам ростдан ҳамма реклама ва эълонлар рус тилида берилган. Эътибор беринг: "Neskafe - Нового дня глоток", "L&M -Свидание с Америкой", "Pall Mall - Радость встречи", "Uzbekiston milliy banky - Это твоё будущее", "Nuts - Целая гора лесных орехов", "Вы и Maggi - еда намного вкуснее", "Brook Bond - крепкий тонизирующий чай" ва ҳаказо, ҳаммаси рус тилида. Фақат "Ўзбекистон миллий банки" ва "Рекламаларни жойлаштириш" деган жумла лотин алифбоси билан ўзбек тилида берилган.

Воқеанинг тагига етиш учун реклама ва эълонларни қабул қилиш хизматига сим қоқдим. Георгий Маслянов деган йигит саволимнинг мазмуни билан танишгач шу хизмат бошлиғи бўлган аёлни чақирди. Бу одам ўзини Ильмира Шоҳабибовна деб таништирди. Суҳбат фақат рус тилида бўлди, тўғрироғи ҳамсуҳбатларим фақат шу тилда жавоб қайтардилар.

- Буюртмачилар фақат рус тилида матн берсалар бизда не айб,- дейди бошлиқ.

Ишдан метрода қайтаётсам навбатчи аёл микрофонда йўловчиларни тартибга чақираётир:

- Граждане! Не торопитесь! Держитесь за поручень! Не бегите по эскалатору!..

Хаёлга чўмаман... Эҳтимол пойтахт ерости дунёси - метро ходимлари ва раҳбарларига ҳали давлат тили етиб келмагандир.

Суннат АЗЛАРОВ

Азиз муштарийлар!

"ТУРКИСТОН"га обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз: ташкилотлар учун-204; якка тартибдаги обуначилар учун 203,

"Туркистон" Сиз билан бирга!

Муаллифлар баҳсга чорлайди

ТЎЙ -- МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

(Аввали биринчи бетда)

кўнглинг бузилиб, дийданг бўшайди. Бу мунгли оҳанг фоний дунёда умидлар айри тушиб, ширин орзулари чилпарчин бўлган қизнинг зардобли изтироби. Эр қилиб ишқи билан яйрамаган, фарзанд билан қувонмаган қалб дарди. Тўғри қўшиқ қадимда айтилган. Демакким, бой-бойга, тўрва мойга боққан, хоннингку айтгани айтган, бойники тегирмон юритар, камбағалнинг туяси устида ит қопган замонлар ҳам ўтган. Ана шундай кезларда ўн гулидан бир гули очилмаган, қизини "ҳоли жонига қўймай қистаб, ёшли кўзига сурма босиб, шўр пешонасига тиллақош осиб, потирлаб ўйнаётган сийнасига зебиғардон тақиб" турмушга узатганлар ҳам бўлган.

Бироқ, бу тушунча қанчалик тўғри бўлмасин барибир шарқона тўйғуларнинг (айниқса тўйга дахлдор бўлган) барчаси мазмунан хазин, қайғу ва ҳасратли бўлган деган маъно англатмайди. Тасаввуфчи, тоталитар тузум даврида қадимият қўшиқларига деярли бир томонлама ёндошилди. Асрлар давомида куйланиб, бутун жаҳон донишмандларини ҳайратга солиб келаётган Шарқ аёлининг юксак бадиий иқтидори, узум сувидек тиниқ ҳаёси, лолақизғалдоқдек нозик латофатининг рамзи бўлган, инсонни ахлоқий ва маънавий баркамол қилишга хизмат этган ижодиётнинг бетакрор (классик) намуналари имкон қадар халқ кўзидан йироқ тутилди. Ҳолбуки, ўзбек халқининг нурли тарихи турғунлик давридаёқ (Аҳмадали Асқаров, Абдулаҳад Муҳаммаджонов, С.П.Толетов, В.В.Бартольд, Азиз Қаюмов, Алибек Рустамов, Баҳодир Саримсоқов, Насим Раҳмонов, Боқижон Тўхлиев)... синғари юзлаб олимларнинг асарида ҳаққоний акс этган эди. Қолаверса, даврлар хатаридан ўтиб бизгача етиб келган юзлаб, минглаб нусхадаги қўлёзма нодир манбаларда ҳам ўтмиш чароғонлиги тўғрисида етарлича маълумотлар бор. Аммо сохта, уйдурма ҳукмномадан муддао халқнинг ўзлигидан айириш, ўтмишни тўғри англашга имкон бермаслик, ундан ҳазар қилмоқ, воз кечишга ундаш эди. Бинобарин, халқ қанчалик овом бўлса, шунчалик муте бўлади. Ўз авлод-аждодларининг зиёбахш саҳифаларини мукаммал билмаган, ундан ғурур туйғусини кўнглига тугиб олмаган миллатнинг келажаги ҳақида ғапириш ҳам ортиқча. Шунингдек, тўйлар хусусида ғап борса асосий урғу ҳаражатлар, исрофгарчиликларга чек қўйиш, қалин пулини йўқотиш, тўйга қадар бўладиган бемаъни тақара-тўқурларга барҳам беришга қаратилган холос. Булар яхши албатта. Лекин тўйларнинг миллий хусусияти, катта маънавий-маърифий қиймат касб этувчи, анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар, умуман тўйнинг туркона кўрки, мазмуни тўғрисида деярли ғапирилмасди.

Бунинг оқибатида кейинги пайтларда тўйларнинг туркона мазмунига путур етиб, катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, тантана иштирокчиларининг руҳий оламини бойитадиган, қувноқ кайфият бағишлайдиган қисмлари сусайиб кетди.

Уларнинг ўрнини ҳавойи "қўшиқлар", қулоқни қоматга келтирувчи "музика" оҳанглари, мазмунсиз, бачкана айтишувлар эгалламоқда. Мана онда-сонда бўлсада қулоққа чалинаётган бу-гунги никоҳ тўйларидаги "айтишув"лардан намуна:

Йигит: Гул бердингиз тўйхонада,
Сизни кутаман маккапояда.
Қиз: Гулингиз ўн тийинлик,
Ўзингиз бир тийинлик.

Қолганлари ҳам танбал "ақл" меваси бадиятдан йироқ, беибо, бир-бирини аёвсиз камситувчи, бачкана "шеър"дир. Буларнинг ижодкорлари бўлган ёшларимизнинг маънавий тушунчаси тўғрисида нима ҳам дея олардик! Ўспиринларимизнинг жамоат орасида ўзларини тутабилмасликларига, бесуяк тилга ҳаддан зиёд эрк беришларига асосий сабаб маънавий тарбиядаги оқсоқликлар эмасмикин?.. Йигит ва қизларнинг бехаё қилиқлар билан подадек давра чангитишлари тўғрисида ғапиришга ҳожат йўқ. Умуман, замонавийлик шиори остида Ғарбга кўр-кўрона дидсизларча сажда қилиш эмасми бу? Кишини ўйлантирадиган яна бир жиҳати шуки, тўйлар ва улар билан боғлиқ бўлган миллий-маънавий қадриятларимизнинг миллат ҳаёти, тараққиётида тутган муҳим ўрни, беқиёс аҳамияти хусусида қатор тарихий ва замонавий далиллар, асосли илмий хулосалар бўлишига қарамай, сўнгги пайтларгача бунга етарлича эътибор қилинмади.

Миллий одатлар, куй ва қўшиқларнинг бой ва нафис сеҳридан бебаҳралик кишиларни, айниқса ёшларни ўзга миллатларнинг енгил-елпи мусиқаси ва туркона маънавиятга ноуйғун бўлган маданиятига тақлиди учун имконият яратиши табиий. Оқибатда онг, шуур, ўз-ўзидан хиралашиб бораверади. Ижтимоий ва халқ турмушидаги бундай нозикликларни тўғри англаган шижоатли ва фидойи Президентимиз истиқлолнинг илк кунлариданоқ асрий урф-одатларимизни қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратди. Иўлбошчимиз бир юз ўттиз йилдан зиёдроқ ҳукм сурган мустабидликдан кейин ўзбек миллатининг миллий-маънавий ҳаётида қайта юксалиш даврини бошлаб берди: "Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши -- бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти" эканлигини алоҳида эътироф қилди.

Мустақиллик даврининг одилона сиёсати, ақл-идроқ, азму қатъият маънавий ҳаётда хусусан тўйларга, халқ урф-одатларига бўлган ғаразли қарашлар қолипини чил-чил синдирмоқда. Зўрлик, танбаллик оқибатида таъқибга учраган халқ анъаналари, байрамлари қаторида тўйларимиз ҳам асл миллий қиёфа касб этиб бормоқда. Бинобарин, бундай анъана, урф-одатларнинг қайта тикланиши, қадриятларимизни дунёга аён қилиниши шубҳасиз инсонлар ўртасидаги ўзаро бирдамлик, ҳурматни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бас, шундай экан бугунги маънавий кўтарилиш даврида асоссиз топталган ва ҳозирда муносиб ўрин топаётган туркона тўй ва унга дахлдор туйғуларни ёшлар ҳаётига янада чуқурроқ олиб киришга эътиборни янада кучайтирмоғимиз лозим. Зеро, асрлар давомида шаклланган ўзбекларнинг миллий маданияти-инсоният маданиятининг кўзгусидир. "Ўзбеклар,- деган эди атоқли адиб Чингиз Айтматов,- буюк халқ, жаҳон цивилизацияси бешигини тебратган".

Ҳа, ўзлигини таниб, ўз қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўя олувчи халқларда миллий ғурур туйғуси ҳам юксак бўлади. Бундай миллат ҳеч қачон аждодларини асраб-авайлаб, оқ қушлар қанотида элитган гўзал маросимларни хазондек тепкиламайди. Тўғри, йиллар, даврлар ўтиши билан кўп нарса ўзгариб, такомиллашиб бориши аён, аммо ҳар қандай юксалиш миллатнинг ўзлигини йўқотиши, миллий хусусиятларнинг камситилиши ҳисобига бўлмаслиги керак. Кўксидан миллий ғурур аримаган миллатнинг ҳар бир вакили ким бўлишлигидан, қайси мансабда турганлигидан қатъий назар шарқона қадриятларимизни тиклашга масъул эканлигини юракдан ҳис этмас экан, маънавий баркамоллик тўғрисида ғапириш ҳам қийин. Буюк аждодларимиздан мерос қолган чин инсоний гўзаллик ва маърифат гавҳарларини келгусида ўз эгаларини яна қайта топиб, халқимизнинг маънавий бойлигига айланишини таъминлашда даврий нашр ижодкорларининг бугунги фаолияти таҳсинга молик. "Саодат", "Оила ва жамият", "Тошкент ҳақиқати", "Тошкент оқшоми", "Туркистон", "Ишонч" саҳифаларида тўй ва унга боғлиқ бўлган урф-одатлар, расм-русумлар, қўшиқлар таҳлилига оид долзарб мақолаларни ёритилиши айни муддао.

Никоҳ тўйи маросими қиз танлаш воқеаларидан бошланиб, куёв чақириқ маросими билан якун топади.

Умуман, бу дилхуш дамларни уч босқичда кузатишимиз мумкин. Яъни- қиз танлаш, совчи юбориш, эшик очилди ва унаштириш, яъни фотиҳа тўйи. Сўнгра келин олиб келиш ва никоҳлаш тантаналари. Охирги боқич - келин келтирилгач тўйдан кейинги юз очди (келин салом,) куёв чақирди (куёв салом) ҳисобланади.

Никоҳ тўйи Ўзбекистоннинг турли жойларида ҳар хил кўринишда ўзига хос жозиба касб этсада, аммо моҳият мазмуни жиҳатдан шоду ҳуррамлик маросимидир. Таассуфки, айрим билимдонлар никоҳ тўйидек бетакрор тантанани ҳам йўққа чиқаришга уринадилар. Аслида исломда ҳам бу ҳурсандчилик дамлари инкор этилмайди: Ойша онамиз ривоят қилишларича, ҳазрат Расулуллоҳ (салоллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: "Никоҳни (халққа) эълон қилинглар ва уни масжидда бажаринглар ва сўнгра доира чалинглар", "Саҳиҳи Термизий"даги мана бу мукаддас ҳадис ҳам айнан шу хусусдадир. "Анас (ибн Молик) ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳ (салоллоҳу алайҳи васаллам) Абдураҳмон ибн Авф юзидаги сариғ рангни (заъфарон асарини) кўриб, ундан: "Бу нима?" деб сўраганлар. У "бир хурмо данаги оғирлигида тилла бериб, бир аёлга уйландим", деган. Расулуллоҳ: "Оллоҳ сенга муборак қилсин, энди бир қўйни сўйиб, никоҳ тўйингни ўтказгил", деганлар. Бу пурмаъно ҳадислар никоҳ маросимини қадим даврлардан кўпчиликнинг иштирокида шоду ҳурсандчилик руҳида ўтказилганлигини ҳам асослайди. Доно ота-буволаримиз фарзанд дунёга келган ондан бошлаб дилхуш ниятлар оғушида тўйга тайёрланиб боради. "Олтидан йиғсанг ортади, еттидан йиғсанг етади", "Қизингни бешикка сол, сепини сандиққа сол", мақоли ҳам бежиз айтилган эмас. Шунчаки қиз узатишларни, тўй олдидан қарз сўраб самондек сарғайиб юрувчилар аслида орзу-ҳавасдан йирокдир. Ахир қиз чиқариш, ўғил уйламоқда бир икки йил эмас, йиллар давомида ҳозирлик кўрилиши керак. Табиийки никоҳ тўйи маросимини қўшиқ, хусусан "ёр-ёр", "ўлан", "келин салом", "алик салом", "куёв салом", "лапар"ларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қўшиқ ва маросим ўзаро чамбарчас, узвий боғлиқ, бир-бирини тўлдиради. Ёр-ёрлар базмга кўтаринки руҳ, хушкайфият бағишлаши билан муҳим аҳамиятга эга.

Ёр-ёр айтиш айримлар ўйлагандек оддийгина ижро эмас. Ёр-ёрни куйлаш ўта мураккаб бўлиб, у асосан махсус тайёргарликка, тажрибага эга бўлган аёллар томонидан айтилади. Атрофдагилар эса қўшиқнинг накорат ва умумий жойларида жўр бўладилар.

Тўйнинг боришига қараб, ҳар бир ёр-ёрнинг ўз айтилиш ўрни бор. Демак, ёр-ёр ижрочида нафақат ёқимли овоз, бадиий истеъдод, айни пайтда жуда юксак фаҳм-фаросат ҳам мужассам бўлиши керак. Қўшиқнинг ўзига хослиги яна шундаки, оналаримиз ёр-ёрни холис шахс сифатида келининг ёки дугоналари тилидан айтади. Келинни ота хонадонидан олиб чиқиб кетиш пайти. Ота бошини қуйи солиб қизининг бахтли, ували-жували бўлишини чин юракдан тилаб юзига оқ фотиҳа тортади. Тўпланган қизу-жувонлар ичидан бир сарвиқомат, бежирим аёл икки ўрам қора сочини бошига чамбарак қилиб ўриб, устидан тангиб олган оппоқ дурраси унинг бўғдойранг қулча юзига шундай ярашиб турганки, асти қўяверасиз! Бу ўша ҳамма таниган, иззат-эҳтиром билан номини тилга оладиган ёр-ёрчи аёл. Унинг кўзларида бахтиёрлик барқ урар, шунда у беихтиёр қаддини ростлаб, ҳа, қани қизларжон дейди-ю оҳистагина, майин дилнур оҳангларда ёр-ёрни бошлаб беради. Аммо бора-бора овозини баралла қўйиб юборади. Қўшиқ қўнғироқдек янграб, узоқ-узоқларгача эшитилади:

Қат-қатгина қатламалар қатланади ёр-ёр,
Қизни олиб янгалари отланади ёр-ёр.
Қизни олиб янгалари туратурсин ёр-ёр,
Оқ сут берган оналари рози бўлсин ёр-ёр.

Қўшиқ қуйининг оҳангграболиги, жўшқин ҳис-туйғуларга бойлиги тингловчиларни мафтун этади. Озгина ҳиссий идроки бор инсон чуқур хаёлга толади. Бу оҳанг қалбида юксак чин инсоний муҳаббат туғён урган ашулачининг овозими, ё бўлмаса юракдан қайнаб чиқаётган бошқа бир нарсами? Оҳангграбо куй киши қалбини энг нозик торларини чертиб унда эзгу ниятлар уйғотади. Бундай қўшиқлар келиннинг ўзи униб-ўсган, беғубор болалик онлари ўтган хонадонидан олиб чиқиб кетиш пайтида айтилади. Куёв дастурхони учун мўлжалланган қатламаларнинг қатланиши, оқ либосга бурканган қизни ўртага олиб янгаларининг йўлга тушиши, ота-онадан ризолик ўта таъсирчан ва ҳаққоний тасвирланган асардек. Агар маросимни синчиклаб кузатсак унинг худди мана шу узвий кучли драматизм билан тўлиб-тошганини гувоҳи бўламиз. Негаки, қизнинг бахтли умр остонасига қадам қўйишида юпанч ҳиссигина унинг ўз ота-онаси билан хайрлашувидаги драматизмни ҳал қилиб беради ва тўйнинг бундан кейинги узувларини шодликка тўла бир кайфиятда давом этишини таъминлайди.

Қизлар кенг ҳовлига чиқишди. Боғ, шабада ғарқ пишган олмалар, тилло ранг узум, айни гуллаган маккажўхориларнинг ёқимли ҳидини аралаштириб димоққа келтириб уради. Ёр-ёрлар бир-бирига уланди. Юрак-юракка етиб бораётган ёз шабадасидек танни роҳатлантирувчи оҳанглар оғушида тўй хизматчилари ҳам ўзларини ерда эмас, худди булутлар қўйнида сузиб юргандек ҳис этар, ишларидан баҳра олиб оёқлари енгил тортарди. Ўй-хаёллари қаерлардадир, осмонда кезиб юргандек, бутун олам лаззатини шу ашулалар деб билиб, куй оҳангига чайқалиб ўтирган бувижонлар ҳам: -- Худога шукур. Тагли-тугли жойга тушдинг болам, дея шукрона қилардилар. Шўх-шодон қий-чувлар. Тўйхонага тўпланишган қизларнинг чеҳраларида шодлик балқийди. Ғунча лаблару, шаҳло кўзларга термулиб қараш ошиқу беқарор йигитларга дунё-дунё роҳат бағишлар. Қоп-қора нозик ва майин сочлари қўнғироқ-қўнғироқ бўлиб бўйнига тушиб турган дугоналаридан бири келиннинг тилидан розилик сўраб қалбидан қайнаб чиқаётган янгроқ овоз билан куйлаб юборди:

Дока кўйлак енгини сўтдим она, ёр-ёр,
Оқ сутингга рози бўл, кетдим она ёр-ёр.

Хўш, нега "ёр-ёр"ларда ота-онадан ризолик тилаш туйғулари бир неча оҳанглар такрорланади? Бунинг асосий сабаби ота ва она туркий халқларда жуда қадим даврлардан юксак туйғуларда улуғланишидир. Ҳазрати Алишер Навоийнинг Ҳусайн Байқаронинг ўғли Баддиуззамон Мирзога ёзган хатида бу нарса теран ва бир қаращда ўз ифодасини топган.

"Пайғамбар... бюрубтурким, тангри таоло ризоси ота ризосига вобастадир ва тангри таоло ғазаби ҳам ота ғазабига вобастадир. Бас, киши ота ризоси ҳосил қилса, тангри таоло ризосини ҳосил қилиши бўлғай ва ота ғазабиға учраса тангри таоло ғазабиға учрамиш бўлғай. Бундоқ бўлғондин сўнгра киши нечук ота ризосидин айру дам урғай ё қадам қўйғай ва машойих сўзидурким: Отанг -- парвардигорингдир. Бу жиҳатдинким тангри таоло сени йўқдин бор қилмоққа васила улдур ва туфулиятидин шабоб синиғача парвариш берувчи ул. Ва Ҳаким Сулаймон... сўзидурким, ота-қодири қаййим, она-розиқи марсум. Ва Адиб Аҳмад... дебдурким:

Атодин хато келса кўрма хато,
Савоб бил хато токи қилса хато.
Атонинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодин қутқарғай худо».

Ҳа, ота-она дилини ранжитмоқлик бандаси учун энг оғир гуноҳдир. Ундан-да мудҳишроқ қилмиш йўқ. "Отанг тўнғиз бўлса боғлаб бок" мақолининг замирида ҳар ким ҳам илғай ололмайдиган маъно мужассам. Биз мақола "чегарасидан" чиқиб бу фикрга бежиз урғу бераётганмиз йўқ. Эр билан бўладиган носамимий муносабатлар оқибатида фарзандларни отасига нафрат руҳида тарбилаётган ва натижада болани бузрукворига тик боқишигача олиб келаётган аёллар бугун саноқли бўлсада бор. Шундайлар ўз қўллари билан жигарбандларини порлоқ, осуда келажагига ўт қўйиб юбораётганликларини ҳам хаёлдан қочирмасликларини жуда-жуда истардик. Минг бир ўю-хаёллар ичида, ҳаётдаги энг азиз, меҳрибон инсонлари ота-она, ака-ука, опа-сингиллар билан ночор хайрлашаётган, қизнинг шаҳло кўзларида ғиж-ғиж ёш. Завқ-шавқ билан кулаётган қизлар келиннинг бу ҳолатини пайқашади, дейсизми? Йўқ. Янглишасиз, юксак ҳис-туйғули, зеҳнли, ўткир фаросатли ёр-ёрчилар шу вазиятга мослаб гўзал мисралар тўқийдилар:

Йиғлама қиз,йиғлама,
Тўй сеники, ёр-ёр.
Кўрпачаси шоҳидан
Тўр сеники ёр-ёр,
Мўйлаблари қиличдек
Ёр сеники ёр-ёр.

Бирозгина ғамгин. Аммо юракда аллақандай янги, ширин умид-орзулар уйғотади. Ҳолатини тўғри англаш яъни қизни юпатиш, кўнглини кўтариш оҳанглари. Куйловчилар келинни янги хонадонда бахтли-саодатли бўлиб яшаб кетишига ишонч билдирмоқдалар. Руҳий ҳолат билан тасвир объектининг уйғунлиги мазкур байтларнинг жозибали чиқиши учун асосий шарти. Агар бир ёқлама-фақат руҳий ҳолатнинг ўзи ифодаланиб, объект тасвирдан четда қолганда, ёки аксинча бўлганда эди, биз гўзал жозибадан маҳрум бўлар эдик. Кўтаринки кайфиятда йўлга отланган онахону бувижонларимиз йўл-йўлакай ёр-ёр мисраларига ўзларининг таърифларини қўшиб қўйишни ҳам унутмайдилар:

Бизлар "ёр-ёр" айтишайлик
Бирдай бўлиб, ёр-ёр.
Тонг саҳарда очилган
Гулдай бўлиб, ёр-ёр.

Бундай поэтик тасвирлар куйловчилар кўнглини кўтаради, қалбларга хушчақчақлик бахш этади. Ҳазил мутойибага бой ёр-ёрлар ижрога нафис пардаларга кўтарилиб, тингловчи қалбларнинг тубтубига етиб бориб, хаёлларни сеҳрламоқда бирдан машина силкиниб тўхтади: қадимий урф-одат келиннинг йўлини тўсдилар: шу пайт сингилу онажонларимиз булбулнида лол қилиб қўшиқ бошлайдилар:

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Бир боғ ўсма ёр-ёр,
Узоқ ердан келамиз,
Йўлни тўсма, ёр-ёр.

Тасвирдаги усталик. Ҳайрон қоласан киши, Ҳазилкаш йўлтўсарлар биттадан белбоғ ишладилар. Йўл очилди. Куёв хонадонига яқинлашганда қўшиқ бирдан келининг ҳусни-жамоли, ибосини тараннум қилувчи мазмунга кўчди:

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, атойи қиз, ёр-ёр,
Упа-элик керакмас, чиройли қиз ёр-ёр.

Ногоҳ "келин келди" шовқини ҳавони титратиб юборди. Келин ўз манзилига етиб келди. Карнай, сурнай навоси оламга ёйилди. Ёшу қарилар, эркагу-аёллар келин тушган машина олдида тирбанд. Катта ғулхан тафтидан кўзлар ёнади, юзлар лола ранг. Бирдан шамолни-да кесувчи кучли пардаларда хуш оҳанг таралди:

Ҳай-ҳай ўлан,жон ўлан,
Узук-узук, ёр-ёр.
Қани куёв тўй олдида,
Тилло узук, ёр-ёр.

Ёр-ёр айтувчилар тўй эгаларидан келинга совға беришни жозибадор, мафтункор оҳангларда уқтирмоқдалар.

Шу пайт келинни зўр иштиёқ билан кутиб, юраги жўшиб турган куёв томондаги аёллар ҳам ёр-ёрга қўшилиб кетдилар. Беқасам тўн ёпинган девқомат куёв ўз навкарлари билан куйловчилар кўзига кўринган заҳотиёқ қўшиқ мазмуни ўзгарди:

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, алвон бўлинг, ёр-ёр,
Кўтар-кўтар деганда полвон бўлинг, ёр-ёр.

Воқелик билан нақадар уйғун мисралар. Кучли қийқириқлар остида қўшиққа ҳеч ким қулоқ осмади ҳам. Олов атрофида айланти-ришлар, янги хонадонга кириб боргунча келиннинг шахсий сифатлари-хушомомилалиги, қадду-қомати, соҳибжамоли, қўйингки, аёл киши тарифи-таҳсинига хос бўлган неки фазилатлар бор ҳаммаҳаммаси куйга солинади. Гарчи баъзан келиннинг тарифи узундан-узоқ бўлса ҳам, эшитувчилар зерикмайди. Қўшиқлар ижрода нафис, майин пардаларга кўтарилганда юракнинг туб-тубига етиб бориб тингловчи қалбини селдек оқизади. Юморга бой қўшиқлар эса тўй иштирокчиларида хушкайфият, яхши кўтаринкилик пайдо қилади. Айни чоғда ёр-ёр айтувчилар бадиҳагўйликлари-ю, сўзга чечангликларини намойиш қиладилар. Ёр-ёрдаги бу гўзал хусусият гўё аскияни эслатиб, туради:

Араванинг изида бир боғ похол, ёр-ёр,
Куёв поччам сўрасангиз паҳмоқ соқол, ёр-ёр.

Шу ўринда халқ доноларининг поэтик тафаккурлари, диди ҳам мазкур қўшиқлар орқали юзага чиқади. Нима учун иккинчи мисрада похол ҳақида сўз юритила туриб, гап бирдан "паҳмоқ соқол куёвга" кўчирилади? Зотан, бу тўртликнинг асосий объекти ҳам шу-паҳмоқ соқол куёв. Бунинг сабаби-куёвнинг ёши ўтиб қолганлиги ҳақида руҳий ҳолат яратиш. Бундай хусусият аксарият ёр-ёр қўшиқларининг энг муҳим белгиси.

Тасвирликдан кўра табиий ҳодисалар, нарсаларни одамга ёки унинг турмушига солиштириш, бир томондан тўртликларни эслаб қолишни осонлаштиради, иккинчи жиҳатдан, бадиҳагўйлик учун асосий шарт бўлиб қолади.

Остона. Келиннинг атрофида гуруҳ-гуруҳ аёллар туркона расим билан куёв хонадонини мадҳ қилишга ўтдилар. Айни пайтда ҳис-ҳаяжондан кўнгли тошиб йиғлаётган келинга таскин бериш оҳанги...

Йиғлама қиз, йиғлама, тўй сеники ёр-ёр,
Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр.

Обод хонадон тасвири. Йўқ. Шугина эмас. Бу оҳанг халқимизнинг қўйидаги одати билан шартланган эмасмикан? Яъни қадимда ота-буваларимиз яхши ният ила янги уй остонасининг тагига (ичга қум-шағал тўлдирса-да) ҳум кўза кўмганлар. Бу остонаси олтиндан бўлсин, хонадондан қут-барака, бойлик аримасин, деган маънони англатган. Остона халқимизда муқаддас ҳисобланади. Остонада кўришиш, қўл олишиш ўзбекларда бехосият ҳисобланади. Демак, "остонаси тиллодан", фақат бой хонадон мадҳи эмас, аксинча ҳурмат, эҳтиромга муносиб оила мазмунида ҳамдир. Бу ёғи "чимилдиқ", у билан боғлиқ расм-русумлар. Сўнг, замонавий саҳна, базму жамшид. Ҳа, келинми куёв ўзларининг тўй маросимларида қаттиқ гапириши ва овоз чиқариб кулиши беодоблик ҳисобланади. Устоз олим Т. Қиличев буни ибтидоий давр кишилари эътиқодидаги табиатнинг яралиши сукунат билан боғлиқ ҳолда юзага келади, унинг келин ва куёв никоҳи билан уйғунлиги бор дея талқин қилади. Ҳозирги айрим давраларда келин ва куёв навкарлари-ю, келиннинг дугоналари орасида оғзи қулоғида, кўзлари чақчайиб рақсга тушишларини қандай изоҳласа бўларкин?!

Ҳа, юқоридагилардан англашиладики, ўзбек ёр-ёр қўшиқларининг мавзуси ниҳоятда ранг-баранг. Қўшиқлар баъзан арузнинг майин вазнида ижро этилса, гоҳ унда юмор кучлилик қилади. Кўп ҳолларда қувноқ ўйноқи, айрим пайтда ғамгин, вазмин мазмун касб этади. Ёр-ёрлар ўта нозик муболаға, ўхшатишлар ва гўзал рамзларга бойлиги билан маросимнинг бошқа жанрларидан алоҳида ажралиб туради. Аёнки, никоҳ тўйи маросим қўшиқлари "ёр-ёрлар" билангина кифояланган эмас. Тўй қўшиқлари ичида ажиб бир ҳаё, ҳис ва ибо ила айтиладиган дилрабо лапар ўланлар ҳам бор. Уларда бошидан охиригача гулдан нозик ва нафис ҳиссиётли қалбларни ошиқона арз ҳолининг баёнини кузатамиз. Айни чоғда дилхуш оҳанглар ёқимлилиги, тўқ қофиялари, образлилиги, тасвирий усул ва воситаларнинг ҳилма-хиллиги билан инсон маънавий дунёсини беками- кўст намоён этади. Оналаримизнинг бадиий ижод дурдоналарида ҳақиқий муҳаббатни улуғлаш, маънавий-ахлоқий софлик, вафо ва садоқат қиммати ўта табиий самимият билан тасвирланади.

Дилбар туйғуларда гўзалликда танҳо бўлган хаёли қизнинг тариф-тавсифи, унга меҳр, ишқ тўла кўз билан маҳлиё бўлган, қора кўзнинг, тим қора сочларнинг домига тушган ширинзабон йигитнинг айтишувлари ҳар қандай бағритош тингловчини ҳам сеҳрламай қўймайди. Самимий ошиқона айтишувларда ошиқ-машуқалар бир-бирларига муҳаббатини аён айлаганда ширин ҳазил қиладиларки, бундай ёкимли, дилни қитиқловчи, қалбни жумбушга келтирувчи енгил мутойиба ҳозирги ёшларимизга ҳам хуш келиши тушунарли. Таажжубки, йигит-қизларнинг маънавий оламини бойитувчи, бадиий қобилиятини шакллантиришга хизмат этувчи, энг муҳими маросимнинг кўрки, файзи бўлган бундай лирик ижоднинг бетакрор намуналарини хозирги тўйларда деярли кам эшитамиз. Тўйнинг бадиий ҳусни бўлган ўлан ва лапарлар жанр хусусияти ва ижро услуби жиҳатдан ёр-ёрлардан фарқланади. Устоз, забардаст фольклоршунос олим, профессор Баҳодир Саримсоқов таъбири билан айтганда: "Лапар ва ўлан жанрларининг генетик жиҳатдан алоқадорлиги у қадар шубҳа уйғотмаса ҳам лекин ёр-ёр ва ўлан жанрларини тарихан бир ҳодиса сифатида олиб қараш ишонарли эмас. Фарғона водийсининг айрим жойларида ўлан мисралари охирига "ёр-ёр" сўзини радиф қилиб ишлатиш ҳоллари бу икки жанрнинг ўтмишда бир бўлганлигини билдирмайди". Демак никоҳ тўй маросимида куйланадиган қўшиқларнинг ҳаммасига бир хил жанр сифатида қараш нотўғри. Қўшиқларнинг даврий нашрлардаги тарғиб ва ташвиқида бунга алоҳида эътибор жудаям зарур.

Бинобарин, "Келин салом", "Куёв салом"лар алоҳида ўзига хослик касб этади. Ўзбекларда қиз узатар кечаси куёвнинг ҳовлисида ёқилган гулхан атрофида ва никоҳ эртаси ўтказиладиган "бет очар", "юзочар" каби маросимларда "Келин салом"лар айтилади. "Келин салом"да қайвони куёвга, қайнота, қайнона, тоғалар, амакилар, аммалар, ҳолалар, қайин ука ва акаларга салом берганда, таъриф-тавсифлардаги ҳазилнома, қочирим, киноялар тингловчиларга завқ ва шавқ бағишлайди. Маросимда келин саломини қайвони онахон бошлаб берди:

Икки бети анордай,
Ўзини кўрсанг қанордай,
Овсинига бир салом.

Келин ҳис-ҳаяжон оғушида, майин ҳолатда астагина эгилиб салом қилади. (баъзи жойларда келин салом айтилмайди). Сўнг айтувчилар қайнонани қўшиққа солиб куйлайдилар:

Оқ сақичдай эшилган,
Маҳаллада керилган.
Ёр-ёр чоҳар ёро,
Қайнонасига салом.

Келин саломга бош эгди. Куёв тарафдагилар жўр овоз бўлиб "аммаларига салом" бўлсин, аммалари қолмасин," дея аммасини эслатган бўлдилар. Ҳозиржавобликда тенги йўқ айтувчилар амманинг тавсифини "Аммаям бир, ҳаммаям бир" қилиб бир зумда қойилмақом қиладилар:

Кир ювилган совундай,
Ичи тушган қовундай.
Ёр-ёру чоҳар ёро,
Аммаларига салом!

Тўйни тўйдек қилиб, қувноб юрган куёв укаси ҳам оналар нигоҳидан четда қолмайди:

Том бошида похол йўқ,
Сийпаласанг соқол йўқ,
Қайин укасига бир салом.

Турмушда қайин укалар билан янгалар ўртасидаги муносабат ўта самимийдир. "Қайин укам жигар ёғим", "Йўли ўнгдан йигитнинг янгаси йўлга чиқибди" сингари мақоллар бежиз тўқилган эмас. Жумладан, "Келин туширар" тўйидаги куёвнинг этиги ва белбоғини янгаларнинг ечиши ҳам диққатни тортади. Шу сабаб бўлса керак, "келин салом"ларга синчковлик билан эътибор қилинса қайин ука, акаларга асосан таҳсин оҳанглари янграйди. Овсунлар муносабати эса бунинг бутунлай акси. Халқ деганидек: "Икки овсиннинг кавуши кавушандозда чандишади", "Овсин-ажин йиғилса, ажина базми қурилур". Айни мана шундай руҳ "Келин салом"ларда беғубор ҳазил, киноя тарзида акс этади:

Арикдаги зулукдай,
Қоши кўзи пиликдай,
Қоқиб қўйган иликдай,
Овсинига салом.

Худди шу маъно бир туркум келин саломларда қайнонанинг қайиноналик руҳи ҳам уфуриб туради:

Сув кечгани эринган,
Ўғил туғиб керилган.
Ёр-ёр чоҳар ёро,
Қайнонасига бир салом!

Булар шунчаки, беғубор ҳазил. Тингловчилар ҳам бундан айрича хулоса чиқармайдилар. Фақат ёруғ, гулгун чеҳра ила қабул қиладилар. Келин саломда қариндош-уруғлардан ташқари, қўни-қўшнию, тўй хизматчилари четда қолмайди.

Келин туширгиз келган аёллар ёдига бирдан келин йўлини тўсганлар келади:

Олти пуллик чақадай,
Арикдаги бақадай.
Йўлда аравани тўсган,
Қоровулларга салом!

Ўзига хос юмор, ҳазил мутойибалар ҳеч кимнинг иззат-нафсига тегмайди.

Ҳа, келин саломлар нафақат маросимнинг бадиий кўрки, айни чоғда бадиий истеъдоднинг ажойиб намунасидир.

Бинобарин, инсон ўз руҳий дунёсидаги у ёки бу мувозанатни ифодалашга мойил зарурият сезиш, худди ана шу босқичда бадиий фикрлаш нуқтаи-назаридан кўтарилиши мумкин. Натижада у ўз руҳиятига мос тасвирни атрофдан, нарсалардан, инсонларнинг руҳий ҳолати, кўринишидан топади.

Аслида ҳам, ҳар қандай бадиий ифодалаш, руҳий таҳлилнинг илк босқичи шундан бошланиши табиий. Зикр этилган "Келин салом" лардаги руҳий ҳолат билан тасвир объектлари: "Икки бети анордай", "Сийпаласанг соқол йўқ", "Ичи тушган қовундай"... яъни амманинг ёши улуғ, қайин уканинг эса ҳали ёш болалиги ҳаётий ва уйғунлиги, байтларнинг ўта таъсирчан, жозибали чиқиши учун асосий восита. Агар аксинча болани кекса, аммани ёш қиз таърифида баён қилинганда эди, қўшиқ ёт олинган бўлиб суньий, ижрода ҳам авж пардаларга кўтарилмаган, базм қатнашчиларига қўшиқнинг руҳий таъсири сезилмаган бўларди. Айтишимиз мумкинки, "Келин салом"ларнинг ҳам "ёр-ёр"лар каби мавзу қўлами кенг. Мисраларда баъзан қувноқ, гоҳ енгил ҳазил, қутилмаганда аччиқ юмор, кўпинча ҳажвий, асосан кўнгилочар мотивлар учрайди. Қўшиқдаги мотивлар қайд этилгандек тўй эгаларининг табиати, шакли-шамоили, маҳалла кўйи, хусусан ҳаётда, жамиятда тутган мавқейи билан шартланган. Никоҳ тўй билан боғлиқ "Куёв салом"лар ҳам борки, улар "Куёв чақирди" маросимида куйланади, Тўйдан кейин орадан маълум кун ўтгач келин билан куёв қайнатасининг хонадонига ташриф буюрадилар. Бу илк қадам ўзига хос файз, қўтаринки руҳдаги туйғуларга йўғрилган бўлади:

Куёв келди кўрингиз,
Кўргилигин берингиз.
Улай-бўлай демайин,
Отин айтиб берингиз.
Пода берсанг, ола бер,
Йилқи берсанг, қора бер.
Мунда турган йигитнинг
Ҳар бирига товоқ бер.

Албат

Машъум ИСТИЛО

Минг икки юз саксон бирида ўрус келгай,
Туркистонни атрофини камсаб олгай.

Султон Орифин Ҳожи Аҳмад ЯССАВИЙ.

Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг салкам саккиз юз йил аввал айтган башорати тўғри бўлиб чиқди. Россия империяси Туркистонни 1281 хижрий, мелодий 1864 йилда забт этди.

Россиянинг ҳарбий саркардаси Александр Невскийнинг гапи ҳам ўз исботини топди. Марказий Осиё ўлка халқлари кўп асрлик оқ ва қизил империя зулмидан 1991 йилда бутунлай озод бўлиб, мустақилликларини ўз қўлларига олдилар. Илоҳим бу чин озодлик, истиқлол мангу бўлсин!

Камина узоқ йиллар Ўрта Осиё ва Россия ўртасидаги савдо-сотиқ, маданий алоқалар тарихи ва айниқса XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия империясининг Марказий Осиёга ҳарбий босқини тарихини ўрганиб кўпгина ноёб адабиётлар, архив ҳужжатларни қўлга киритишга муваффақ бўлдим. Кўпчилик илм аҳлига, жумладан, тарихчи олимларимизга ҳам маълум бўлмаган 1909 йил Тошкентда оз нусхада чоп этилган бир тарихий рисолани бундан 30 йил аввал топиб, уни 1984 йили рус тилидан ўзбекчага ўгирган эдим. Чор Россия империясининг қаттол генераллари, бошкесар ҳарбий зобитлари томонидан тайёрланиб, Туркистон ҳарбий округ штаби липолитографияси томонидан нашр эттирилган тарихий "Ўрта Осиёни босиб олиниши тўғрисида тарихий маълумотнома" номли рисолада (Грегорий Ҳочи соҳиблари ва "Жасорат учун" олтин қурол билан тақдирланганлар рўйхати иловаси) подшо Пётер 1 даврида 1717 йили князь Бекович Черкасский ва Замонов бошлиқ 327 пиёда, 617 отлиқ, 2000 қазак, 230 денгизчи аскар ва 22 та тўп-замбарак ва минглаб милтиқ, шамшир билан Хива ҳонлигига илк бор ҳужум қилганлиги, лекин босқинчилар мағлубиятга учрагани ҳамда Россиянинг Туркистонга қилган иккинчи ҳарбий юриши 1839-40 йилларда содир бўлганлиги, учинчи ҳужум эса 1852-53 йилларда амалга оширилганлиги батафсил баён этилган.

Чор Россия империясининг қонхўр генераллари, бошкесар зобитлари Марказий Осиёни бундан 150 йиллар аввал ҳарбий куч билан босиб олиб, бебаҳо бойликка эга бўлган Туркистон мулкини 1991 йилгача ўз мустамлака асоратида сақлаб келди. Босқин даврида юзлаб шаҳар, қишлоқлар вайрон бўлди, минг-минглаб ватандошларимиз қони дарё бўлиб оқди. Она ватанимизни мустамлакага айлантириш, бебаҳо бойликларини, осори-атиқаларини ташиб кетиш, халқни қул қилиш йўлида Чор Россияси ҳар қандай разилликдан қайтмади. Ҳатто кўпроқ қон тўккан, юртни вайрон қилган зобитлар олий мукофотлар билан тақдирландилар. Ўрта Осиёни забт этишда кўрсатган "қаҳрамонликлари" учун 300 дан зиёд ўрус генераллари, зобитлари, Россия императорлигининг олий мукофотлари: Георгий ордени, олтин қуроллар билан тақдирланган эдилар.

Мажид ҲАСАНИЙ,
филология фанлари номзоди, доцент

Қуйида «ЮРТ БЎЙИНДАГИ ҚИЛИЧ ЁКИ ИСТИЛО» китобидан айрим бобларни эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз

ЎРТА ОСИЁ МУЛКЛАРИНИ БОСИБ ОЛИШ ПАЙТИДА ГЕОРГИЙ ОРДЕНИГА САЗОВОР БЎЛГАН ЧОР ОФИЦЕРЛАРИ

4-Оренбург сафарбар батальони поручиги Сливинский Оқмачитни, ҳозирги Теровскни олишдаги иштироки учун 1853 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

21-Сибирь казаклари батальонидан штабс-капитан, 1864 йил 2 октябрда Тошкентга дастлабки ҳужум пайтида ўлдирилган Обух Қоракастек яқинидаги иши учун 1860 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

7-Ғарбий Сибирь ўқчи батальонидан поручик Зубарев Ини-чатада хитойликларга қарши иши учун 1863 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Алоҳида Ғарбий Сибирь корпуси қўмондони ҳузурида махсус топшириқларни бажарувчи отлиқ армия полковниги Лерхи Оқбулоқ дарёси бўйида текширув ўтказганлиги ва Оренбург отрядини Сибирь отряди билан бирлаштиргани учун 1864 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Чуорти бош штаби отрядининг бошлиғи генерал-майор Черяев 1864 йили Чимкент қалъаси ва шаҳри олинганлиги ва бошқа ишлари учун 1864 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

4-Оренбург сафарбар батальони майори Федоров Чимкентни олишдаги иштироки учун 1864 йил 22 сентябрда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Урал казаклари қўшинидан юзбоши Серов Икан яқинидаги иши учун 1864 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

4-Оренбург сафарбар батальони капитани Гребенкин Саритепада 9 майдаги иши учун 1865 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Оренбург округи қўшинлари қўмондони ҳузурида махсус топшириқларни бажарувчи, отлиқ армия ҳисобида турувчи майор Вульфет Тошкентни олишдаги иштироки учун 1856 йилда 3-даражали орден билан тақдирланган.

Ғарбий Сибирь дала батареяси капитани, кейинчалик генерал-лейтенант Абрамов Тошкентни олишдаги иштироки учун 1856 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Оренбург казаклари артиллериясида ясовул, кейинчалик Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Иванов Тошкентни олишдаги иштироки учун 1856 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Ҳарбий муҳандис капитан Макаров 1865 йилда Тошкентнинг олинганлиги тўғрисидаги хабарни олиб келганлиги учун шахсан император Александр II томонидан 4-даражали орден билан тақдирланган.

Флигель-адъютант полковник, ҳозир Кавказ ноиби, граф Воронцов-Дашков бухороликларга қарши иши учун 1866 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

3-Оренбург сафарбар, ҳозир истеъфодаги генерал-лейтенант Шорохов Ержан яқинидаги иши учун 1866 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

Гвардия батареясидан капитан, ҳозир генерал-лейтенант Мазин Хўжанд шаҳрини олишдаги иштироки учун 1866 йилда 4-даражали орден билан тақдирланган.

(Давоми бор)

ДУШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Умрбоқий ва ҳамиша навқирон».
8.45 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 Болалар учун «Беш бармоқ». Тележурнал.
9.40 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
10.00, 14.00, 18.00—Янгиликлар.
10.05 «Шоҳсанам». Хоразм вилояти қўғирчоқ театрининг спектакли.
10.55 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
11.15 Кино янгиликлари.
11.30 «Тўташ йўллар». Бадиий фильм.
12.50 Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.20 «Кел, дўстлашайлик». Мультфильм.
13.30—14.00 Телевизион миниатюралар театри.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Маслёнкалик бузоқча». Мультфильм.
18.25 Эркин кураш. Ўзбекистон Республикаси Мустақил-лиги кубоги халқаро турнири.
19.05 «Олам ва одам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.25, 23.20—Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қонун ва биз».
21.35 Ю. Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 1-қисм.
22.30 Ўзбекистон телерадио-компанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
23.00 «Мутаҳассис». Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
23.25 «Ахборот».
23.50—23.55 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Табиат дунёси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.05 Кундалик.
22.15 «Бешинчи ўлчов».
22.30 «Спорт қитъаси».
23.10—23.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.20—21.35
*
21.35 «Кругозор». Тележурнал.
*
Россия давлат телевидениеси
22.00—22.40
*
22.40 Эълонлар.
22.45 «Марк Твен қарши». Бадиий фильм.
23.55 — 00.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.45 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Ракурс».
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Авторейд».
20.30 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
20.50 «Ишингиз барорида келсин».
21.15 «Спорт-тайм».
21.50 Украина маданияти кунларига бағишланган «Дўстлик» концерти.
22.50 — 22.55 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Олам ва одам».
9.40 «Ёзувчилар — болаларга». Эргаш Раимов.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Ёшлар спортининг бир куни».
11.20 Ю. Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 1-қисм.
12.00 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
12.20 «Мулоқот». Адабий кўрсатув.
12.40 — 14.00 «Артист»нинг ҳайрлашув гастроли». Бадиий фильм.
***
15.00 — 16.50 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бировнинг молига кўз олайтирсанг, ўзингникидан айриласан». Мультфильм.
18.20 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
18.40 «Эл тинчлиги йўлида».
19.00 «Санъат—дўстликка чорлайди».»Суғдиёна» — Қоҳирада.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «XXI аср бўсағасида».
21.30 Ю. Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 2-қисм.
22.15 «Бозор рақобати — сифат кафолати».
22.35 «Санъаткор саодати». Наима Пўлатова.
23.10 «Ахборот».
23.35 «Нотаниш дил суҳбати».
23.55 — 24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Олтин кент».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ХИФ».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20 — 23.35 «Бизнинг авлод».

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
***
18.20 — 23.00
*
23.00 Эълонлар.
Россия давлат телевидениеси.
23.05 — 23.45
*
23.45 — 00.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05, 21.55 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.25 «Ўйингоҳ».
20.50 «Телефакт». (Маданият янгиликлари).
21.00 «Дурдаршан».
21.30 «Моҳир».
22.00 «Америкага бир назар».
22.25 «Гран-при» — Ўзбекистонда». Спорт кўрсатуви.
22.45 — 22.55 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Санъаткор саодати». Наима Пўлатова.
8.55 «Ҳамкорлик ришталари».
9.20 «Донишнома».
9.40 «Алпомиш авлодлари».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Мактублар — кабутарлар».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Математика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
*
11.30 Ю. Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 2-қисм.
12.10 «Зумраша». Болалар учун ҳажвий киножурнал.
12.20 «Илм ўзликни билмакдир». Публицистик кўрсатув.
12.40 — 14.00 «Қимматга тушган ҳузур-ҳаловат». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур».
18.30 «Абадият қушиғи». Публицистик кўрсатув.
18.45 Фольклор-этнографик ансамбларнинг «Зилол—97» телефестивали.
19.05 «Жамоат ташкилотлари: маслак ва мақсад».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.35 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ўзбекистон қаҳрамонлари». Иброҳим Файзуллаев.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Ю. Розиқов «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 3-қисм.
22.05 «Ватанни севмоқ иймондандур...»
22.30 «Эй, муҳаббат». Пўлат Мўмин.
23.10 «Дунё адабиёти».
23.40 «Ахборот».
00.05 — 00.10 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Мусиқий шарҳ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20 — 00.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30—9.00
***
18.20—21.35
*
21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.50
*
22.50 Эълонлар.
22.55 «Биз қандай дам оляпмиз?».
23.20 — 23.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.10 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Нафосат гулшани».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Мезон».
20.30 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 1-серия.
21.20 «Мутаҳассис». Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
21.40 «Автосалтанат».
21.50 «Ҳаёт карвони».
22.15 «Ирендэк».
22.45 — 22.55 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Эй, муҳаббат». Пўлат Мўмин.
9.15 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.35 «Соғлом авлод—соғлом миллат».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф». Публицистик кўрсатув.
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 «Ватанни севмоқ иймондандур...»
11.25 Ю. Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 3-қисм.
12.05 «Қизиқарли учрашувлар».
12.25 «Юртим жамоли».
12.45 «Авлод». Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
13.05—14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.35 «Ҳидоят сари».
18.55 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.05, 23.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».

21.25 Ю. Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 4-қисм.
22.10 «Ҳамоҳанг қалблар». Мусиқий дастур.
22.50 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув.
23.15 «Эъзоздаги қушиклар».
23.45 «Ахборот».
00.10 — 00.15 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Болалар дунёси».
9.15 «Турфа олам».
9.50 «Нафосат».
10.00 «Бу мунис лаҳзалар».
10.25 «Даллас». Телесериал.
11.15 — 11.30 «Жараён».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».



— Қизларимга атлас тўқиб бераман.

18.15 «Эркатой».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Толенома».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.10 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.25 Ҳудуд».
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кино жавонидан».
23.40 «Тун».
00.05 — 00.15 «Даракчи».

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
***
18.20—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.45
*
22.45 «Замонавий дизайн».
23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.15 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «02» тўлқинида.
20.05 «Тасвир-97». Танлов якунлари. 2-қисм.
20.25 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 2-серия.
21.20 «Интерспорт».
21.40 «Мурувват».
22.05 «Дурдаршан».
22.35 — 22.45 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ҳамоҳанг қалблар». Мусиқий дастур.
9.05 «Юзма-юз».
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўйинчоқ».
9.40 «Ғунча» — меҳмонимиз.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кўнгил ойнаси».
10.20 «Бир шер ва тўққиз сиртлон». Мультфильм.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 География.
11.00 Немис тили.
*
11.30 Ю. Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 4-қисм.
12.10 «Рақс, рақс, рақс».
12.25 «Ҳидоят сари».
12.45 «Бардош». Бадиий фильм.
14.05 — 14.20 «Инсон — ҳаёт гултожи».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Сергайрат кампир». Мультфильм.
18.20 «Оламни асранг».
18.35 «Шеър ва шуур».
18.45 «Истеъдод». Тоҳир Шокиров.
19.05 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биламиз-у, аммо...».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Ю. Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 5-қисм.
22.15 «Маърифатнома».
22.45 Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллиги олдидан. Мусиқамиз хазинасидан «Сегоҳ» мақоми.
«Мунаввар дунё». Маърифий дам олиш дастури.
23.30 «Олам».
23.50 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 15-қисм (Миср Араб Республикаси).
00.35 «Ахборот».
01.00 — 01.05 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Эркатой».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Бир жуфт қўшиқ».
9.45 «Билиб қўйган яхши».
9.55 «Толенома».
10.10 «Дубляж».
10.25 «Сир».
10.40 «Иймон».
11.05 «Ҳудуд».
11.35 — 12.00 «Тун».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.40 «Мусиқа ва рақс».
19.05 «Тарозу».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сизлардан ишорат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 «Мулоҳаза учун мавзу».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.20 «ТВ-2. Диско».
23.40 «Бокс, бокс, бокс».
24.00 — 00.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
***
18.20 — 23.25
*
23.25 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси.
23.30 — 00.20
*
00.20 — 00.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.40 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Рангинкамон».
20.15 «Қалбим тароналари».
20.40 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.05 «Бу бўстон аро...».
21.45 «Жума куни, ишдан сўнг».
22.15 «Мардона йигитлар».
22.25 — 22.35 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
8.50 «Маърифатнома».
9.20 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 15-қисм.
10.05 «Шоҳрух клуби».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.25 «Мунис қалблар».
10.45 «Сени Ватан кутади».
11.05 «Сила».
11.25 Ю. Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 5-қисм.
12.05 «Ўйла! Изла! Топ!» Телебеллашув.
12.50 «Меҳр макони».
13.10 «Кўнгил стартлар».
13.40 — 14.40 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Гулғунчалар».
18.20 «Мультолам».
18.40 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 21.45, 22.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм.
21.50 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.45 «Мусиқали саёҳат».
23.05 «Ҳазил».
23.15 Микель Плачидо «Шов-шув» фильмида. 3-серия.
00.45 «Мунажжим башорати».
00.50 «Тунги пойтахт тароналари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Мусиқа ва рақс».
9.45 «Тарозу».
10.05 «Сизлардан ишорат».
10.35 «Ривоят».
10.45 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.05 — 11.25 «ТВ-2. Диско».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Боланинг тили.
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.50 «Дилбарим».
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.15 Киноконцерт.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кинотақдим».
21.15 «Меҳрибонларим».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 Интерфутбол.
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.55 Видео — «О».
00.25 — 00.35 «Даракчи».

III

18.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.50 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Мария Медичи қутиси». Бадиий фильм.
22.55 — 23.20 «Тошкент тароналари». Фильм-концерт.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Кросс-Роуз кафеси»га хуш келибсиз» («Америкага назар» кўрсатувига илова).
9.55 «Биргаликда қуйлайлик».
10.40 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
11.25 — 11.45 «Корейс тилини ўрганамиз».
***
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.35 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Далил ва шарҳ».
20.15 «Рақслар қанотида».
20.45 «Ассалом, Франция!».
21.10 Болалар сўзлаганда.
21.15 «Самодаги олмослар». Телесериал.
22.05 Ўзбекистонда Германия маданияти кунларига бағишланган мусиқий кеча.
22.40 «Хит-коллекция».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
11.40 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
12.30 «Нуроний». Тележурнал.
12.50 «Шу Ватанга бордир менинг керагим...»
13.20 «Ташриф». Дам олиш дастури.
14.00 «Зиёрат».
14.10 — 15.00 «Болалигим — пощ-щолигим».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Омад юлдузи».
18.30 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
18.50 «Ўзспортлото».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Янграсин шўх яллалар».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм.
21.50 «Спорт, спорт, спорт».
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
22.10 Кино янгиликлари.
22.30 Жаҳон кино юлдузлари.
22.50 «Ҳасад». Бадиий фильм.
00.35 — 00.40 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.35 «Дилбарим».
9.50 «Қонун ҳимоясида».
10.00 Киноконцерт.
10.10 «Бизнес-академия».
10.25 «Омонлик тилаймиз».
10.40 «Кинотақдим».
10.55 «Меҳрибонларим».
11.10 — 12.00 «Даллас». Телесериал.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Мультипанорама».
18.35 «Синфдош».
18.55 «Бари ҳазил».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Мусиқа салтанати».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Кенгга — кенг дунё».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Миллионлар ўйини».
22.30 «Тақвим. Эълонлар. Оҳанглар».
22.45 Видео — «О».
00.35 — 00.45 «Даракчи».

III

18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.20—00.15
*
00.15 — 00.40 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.20 Эълонлар.
11.25 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.15 «Жонли сайёра».
14.35 — 14.55 «Сенинг вақтинг».
***
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.10 Эълонлар.
19.05 «Менинг кўчам».
19.20 «Телеташриф».
19.40 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».
20.10 «Иштирок этувчилар».
20.40 «Мусиқий олимп».
21.00 «Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
21.30 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.30 — 00.40 «Хайрли тун!»

Сизга бир маслаҳат

РЎЗҒОРБОП СИРЛАР

Янги олган оёқ кийимингиз сиқса, иссиқ сувда намланган сочиққа бир неча дақиқа ўраб қўйинг. Сўнг ўсимлик мойидан озгина суртиб, шу ҳолатда бир кун сақланг.

* * *

Тикув машинасида юпқа матодан (шифон, атлас) кўйлак тикаётганингизда қийналсангиз, мато остига юпқа оқ қоғоз қўйинг. Шунда тикишингиз анча қулай бўлади.

* * *

ЭРКАКЛАР УЧУН: Шимингизнинг чизиғи узоқ сақланиши учун ички қисмидан қуруқ совун билан аниқ қилиб чизиб оласиз. Сўнгра устидан юпқа мато қўйиб дазмол урасиз.

ТУЗ ФАҚАТ ИСТЕЪМОЛ УЧУН ЭМАС...

Кофе дамламасини тайёрлашдан аввал, бир чимдим туз ташласангиз унинг хушбўйлигини янада оширади.

* * *

Шиша идишларингиз, биллур идишлар сингари ярқираб туришини истасангиз тузли сувда ювиб, сўнгра совуқ сувда чайинг.

* * *

Бир чимдим туз тухум оқини янада яхши кўпиртиришга ёрдам беради.

* * *

Агар кийимингиз доғ бўлиб қолса ва сизда уни тозалаш учун ҳеч қандай имкониятингиз бўлмаса туз ёрдам бериши мумкин. Доғ бўлган жойга озгина туз сепиб артиб юборинг, шу тарзда кетгунча бир неча бор такрорланг.

* * *

Қора матодан тикилган кўйлак ёки юбкангиз ўз ялтироқ ҳолатини йўқотмасин десангиз, кирингизни ювгач совуқ тузли сувда чайиб ташланг. (5 литр сувга 125 грамм туз)

* * *

Супургингиз кўпга чидамли бўлишини истасангиз, ишлатишдан аввал иссиқ тузли сувга чайиб ташланг.

"500 маслаҳат" китоби асосида ФЕРУЗА тайёрлади

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 90 йиллигига

МАНГУ МЕРОС

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан суҳбат

-- Ўткир ака, сиз Абдулла Қаҳҳорнинг шогирдларидан бири саналасиз. Адиб ҳақидаги хотираларингиз билан ўртоқлашсангиз.

-- Асримизнинг йигирманчи йилларида ўзбек адабиётига ниҳоятда истеъдодли, бадиий муҳофазаси кенг бўлган талай ижодкорлар кириб келди. Булар -- Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Отажон Ҳошим ва бошқалар эди. Афсуски, бу ижодкорларнинг тақдири, қисмати фожеали бўлди. Советлар қатағонида уларнинг деярли ҳаммаси маҳв этилди. 30-йилларга келиб мана шу катта санъаткорлар қаторига Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби улкан истеъдод соҳиблари келиб қўшилди. Улар адабиётимиз, маданиятимиз равнақи учун улкан ҳисса қўшдилар.

Тўғрисини айтганда, ижодкорларнинг бу авлоди ҳам ниҳоятда мураккаб замонда яшади. Коммунистик мафкура, муттасил зулм, доимий зўғум уларнинг елкасидан ҳамиша босиб турди. Лекин шунга қарамасдан, Ғафур Ғуломнинг ажойиб фалсафий шеър ва достонлари, насрий асарлари, Ойбекнинг катта полотнолари, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари, драматик асарлари, романлари адабиётимиз хазинасига туганмас бойлик бўлиб қўшилди.

Бугун мамлакатимиз жамоатчилиги улкан адиб, драматург, ҳикоянавис ва дарднчил мақолалар муаллифи устоз Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 90 йиллигини нишонлаяпти. Қаҳҳор домланинг барча адиблар шиор қилиб деворга осиб қўйса арзийдиган бир гапи бор: "Адабиёт атомдан кучли. Унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак". Бу гап тагида жуда чуқур маъно бор. Албатта бу гапни биров у ёққа буриши, бошқаси бу ёққа буриши мумкин. Лекин шахсан мен Қаҳҳор домланинг мана шу шиорини адабиёт инсон учун, халқ маданиятининг равнақи учун хизмат қилиши керакки, токи у сиёсатнинг қўғирчоғи бўлиб қолмасин, деган маънода айтган, деб тушунаман.

Иккинчи томондан, домла адабиёт атомдан кучли деганида эҳтимолки, ўзининг миттигина ҳикояларини ҳам назарда тутгандир. Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари ҳажман жуда кичкина, лекин уларда худди атомга ўхшаган катта қудрат бор. Адибнинг "Анор", "Ўғри", "Бемор" сингари ҳикоялари умуминсон қисматини тасвирлайдиган асарлар десак хато бўлмайди. Тўғри, бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари ўзбек, яъни бизнинг миллий одамларимиз, лекин унда умуминсоний маъно ётади. Масалан, домланинг "Бемор" деган шапалоқдеккина ҳикоясини олиб кўринг. Уни ўқиш учун беш дақиқа вақт кифоя, лекин ҳаётни кўрган, озми-кўпми адабиётни тушунадиган одам асарни ўқигач, эҳтимол беш соат ухлолмасдан ётса керак. Бу асарни кўпчилик ўқиган. Мен унинг мазмунини такрорлаб ўтирмоқчи эмасман. Лекин, икки оғиз сўз билан айтишга тўғри келади: Шундай қилиб Сотволдининг хотини оғриб қолади. Уни ўша пайтда ҳам бор бўлган дўхтирларга кўрсатишга имкон йўқ. Чунки дўхтир деганда Сотволдининг кўз ўнгига оқ подшонинг расми туширилган червон келади. Шу боисдан у аёлини қўлидан келганича даволашга мажбур бўлади. Табибга кўрсатади, кўчириқ қилдириб кўради. Шунда қўшни кампир бир нарсани таъкидлайди. Норасида гўдак боланинг айтган дуоси мустажоб бўлади. Шунинг учун қизчаси ҳар кун эрталаб илтижо қилсин. "Худоё, аямнинг дардига даво бергин", десин, дейди. Ярим кечаси аёл узилади. Қўшни кампир ёш бола марҳуманинг ёнида ётмасин деб, кўтариб олиб чиқиб кетаётган пайтда қизалоқ уйқусираб илтижо қилади: "Худоё аямнинг дайдига даво бейгин" деб. Имоним комилки, мана шу ҳикояни ўқиган китобхон у ўзбекми ёки япон, француз ё инглиз бўладими, титраб кетади.

-- Сир эмас, ёшлар ўртасида адабиётга, хусусан Абдулла Қаҳҳор асарларига сал бошқачароқ қарайдиган йигит-қизлар ҳам бор. Сиз бунга қандай муносабат билдирасиз?

-- Кейинги пайтда бутун босиб ўтилган адабий, ижодий йўлни инкор этадиган нигилист ёшлар пайдо бўлишди. Ва баъзилари мана шу ҳикояни атеизмга буришга ҳаракат қилишди. Мен бу фикрга асло қўшилмайман. Бу ҳикоянинг мақсади динни қоралаш, худосизликни тарғиб этиш эмас. Ҳикоянинг марказида инсон қисмати -- қашшоқ бир одамнинг кулфати ётибди. Умуман ижодий масалада менинг ўзимнинг жуда қатъий кредом, принципим бор. Бадиий асарда унинг жанридан қатъий назар, биринчи навбатда инсон қисмати ифодаланиши керак. Ҳар қандай эзгу ният, гоя ҳам бадиий асарда инсон қисматига айланмаса пуч гап бўлиб қолади. Шукроналарки, бизнинг устозларимиз, жумладан Абдулла Қаҳҳорнинг асарларида ҳам инсон қисмати бор.

Абдулла Қаҳҳор фақат ҳикоянавис эмас, романнавис сифатида ҳам катта хизмат қилган. Айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаган, "Қўшчинор чироқлари" романини ёки инсон руҳиятининг ўта мураккаб жиҳатлари тасвирланган "Сароб" романини оламизми, улар адабиётимиз хазинасига қўшилган асарлардир. Суҳбатлардан бирида Қаҳҳор домла: "Мен "Қўшчинор чироқлари" романи ёзганим йўқ, уни мен ясадим", деганди. Чиндан ҳам романнинг биринчи варианти жуда бошқача эди. У "Қўшчинор" деб аталган. Кейин замон, мафкура тазйиқи билан асарни домла қайтадан ёзишга мажбур бўлган. Демоқчиманки, домла уни ёзган эмас, яратган эмас, бошқатдан ясаган! "Синчалак", "Ўтмишдан эртаклар" қиссаларини, адибнинг энг охирги асари -- "Муҳаббат" номли қиссасини ўқиганимизда уларнинг ҳар биттасида кишининг кўз ўнгидан кетмайдиган, узоқ вақт ўқувчининг хаёлида қоладиган инсонлар қиёфаси, тили, феъл-атвори мавжуд.

Абдулла Қаҳҳор драматургия соҳасида ҳам жуда катта хизмат қилган ижодкордир. "Шоҳисўзана", "Оғриқ тишлар", "Тобутдан товуш", "Аяжонларим" сингари асарлари ўн йиллар мобайнида энг етакчи театрларда, жумладан бошқа мамлакатлар театрларида кўплаб томошабинларни ҳаяжонга солиб келгани бежиз эмас. Масалан, "Шоҳисўзана" асарини олиб кўрайлик. У қўриқ ерларни ўзлаштиришга бағишланган эди. Қўриқ ерларни ўзлаштириш сўзсиз Орол ҳалокатига олиб келди, қабилидаги фикрларни ҳам айтиш мумкин. Шундай деяётган одамлар ҳам бор. Лекин ҳатто ўша асарда ҳам барибир инсон руҳияти, хулқ-атвори, одамларнинг тил хусусияти кўзга яққол ташланади. Айниқса "Тобутдан товуш" асари қанчалик тўпалон бўлганидан яхши хабардорман. У Ҳамза номидаги драма театрида қўйилганидан кейин ўша пайтлардаги етакчи партия матбуотларида Қаҳҳор домлага отилмаган тош қолмаган. Шунда ҳам ёзувчи қатъий позицияда турган. Дарҳақиқат, агар ўша асарни бунчалик оёқ ости қилиб, тошлар отишмаганида эҳтимолки, "ўзбек иши" деган манфур кампания бўлмас эди. Чунки Абдулла Қаҳҳор "Тобутдан товуш" асарида жамият орасида авж олган порахўрликни жуда кескин фош этганди.

Абдулла Қаҳҳор таржима соҳасида жуда катта ишлар қилган. Лев Толстой, Гоголь, Чехов асарларини ўзбек тилида сўзлатган.

-- Адибнинг ёшларга, айниқса, ёш ижодкорларга намуна сифатида яна қайси хислатларини санаб ўтган бўлардингиз?

-- Домланинг яна битта жуда катта фазилати бор эди. У киши ёзувчи виждонли ва шижоатли бўлиши керак, деб кўп айтарди. Модомики, ёзувчи халқнинг фарзанди экан, у халқнинг дардини ифодаламоғи керак. Домланинг ўзи ҳам шунга қатъий амал қилган. Қаҳҳор домла яна битта фазилат соҳиби эди. У адабиётнинг софлиги учун интилар ва қаерда жиндай йилт этган истеъдод пайдо бўлса, албатта назарига оларди. Саид Аҳмад, Шуҳрат домланинг асарлари, қўлёзмаларини ўқиб, унга сўз боши, рецензия ёзган Абдулла Қаҳҳор бўлади. Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповнинг шеърларига, китобларига сўз боши ёзган, бу асарларни мажлисларда катта ҳаяжон билан таҳлил этган ҳам Абдулла Қаҳҳор эди. Учқун Назаров, Ўлмас Умарбеков каби адибларнинг дастлабки асарларини ўқиб, таҳлил қилган, уларга сўз боши ёзган инсон ҳам Абдулла Қаҳҳор эди. Домланинг шундай шогирдлари орасида мен ҳам борлигимга қувонаман. Университетнинг 4-курсида ўқиб юрганимда менинг биринчи катта асарим -- "Чўл ҳавоси" деган қисса эълон қилинган эди. Аниқ эсимда бу асар 63-йилнинг октябр ойида "Шарқ юлдузи"да чиққан. Ўша пайтда талабалар ҳар йили пахта теримига борарди. Биз ҳам ўшанда Бўкада пахта териб юргандик. Бир курсдошим Тошкентга келиб кетгандан кейин борибоқ мендан суюнчи олди. "Абдулла Қаҳҳордан сенга хат келди", деди. Курсдошим хатни олиб келмаган экан. Лекин барибир мен домла башарти ниманидир ўқиб шунга танқидий хат ёзган бўлса ҳам жуда қувонардим. Чунки шундай катта адибнинг назарига қайсидир асарим тушган бўлса, менинг учун бу катта қувонч эди. Тошкентга қайтган кунимизоқ юкимни кўтариб, тўппа-тўғри ўша дўстимнинг уйига бордим. Хатни ўқидик. У менга ёд бўлиб кетган. Хатда бундай дейилган: "Ўткир! "Чўл ҳавоси"ни ўқиб суюниб кетдим. Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади. Қисса соф, самимий, табиий, роҳат қилиб ўқилади. Шу аланга ҳеч қачон пасаймасин, ижодингиз ҳеч қачон тутамасин. Салом билан, Абдулла Қаҳҳор".

«Туркистон» меҳмонхонаси

-- Абдулла Қаҳҳор ўз шогирдларига нисбатан жуда талабчан устоз бўлган, дейишади...

-- Рост гап. Домла жуда қаттиққўл эди. Агар шогирдлари яхши асар ёзса суюнар, бўшроқ ёзса қаттиқ қойирди. Бунақа воқеалар менда ҳам бўлган. Кунларнинг бирида "Ўзбекистон хотин-қизлари", яъни ҳозирги "Саодат" журналида бир ҳикоям эълон қилинди. Ҳикоя бўшгина эди. Ундан ташқари таҳририятдаги ўртоқлар уни шундай таҳрир қилган эдики, маъно жуда сусайиб кетган. Ҳикоядан аёллар яхши-ку, аммо эркаклар сал бундайроқ, деганга ўхшаш маъно чиқиб қолган. Агар домла шу ҳикояни ўқиса қаттиқ қойийди деб қўрқиб юрган эдим. Бир куни Абдулла Орипов: "Сени домла чақираяпти, иложи бўлса тўнни қалинроқ кийиб бор, сал авзои бузуқ", деди. Иккиланиб домланинг уйига бордим. У киши ижод ҳақида бутунлай бошқача гапирди. Иккита-учта гапини яхши тушунмадим ҳам тўғриси. Масалан, домла "Асар қаҳрамони иложи борича торроқ тешикдан ўтиши керак", деди. Бунисини тушундим. Демоқчики, қаҳрамон қанчалик мураккаб вазиятга тушса, унинг характери, қисмати шунчалик очилади. Кейин домла яна бир гапни айтди: "Асардаги тасвир пардоз эмас, ҳусн бўлиши керак. Агар асардаги тасвир пардозга айланса, у тегирмончининг маҳсисига ўхшаб қолади". Мана шу гапни яхши тушунмадим. Нима учун тегирмончининг маҳсисига ўхшаши керак? Бунинг маъзини чақиш учун Сўқоққа борганда тегирмонга кирдим. Тегирмончи чиндан ҳам маҳси кийиб юраркан. Дўл айланган пайтда чиққан ун кукуни маҳсига ёпишаркан. Тегирмончи ташқарига чиқаётган пайтда ун увол бўлмасин деб маҳсисини тепкиларкан. Ер тепинганида кукун пастга тушиб маҳси кўриниб қолар экан. Худди оловга тушгандек, қийшайиб кетган маҳси кўзга аниқ кўриниб қолади. Домланинг ўша айтган ҳикматли гапини шундай фаҳмладимки, ортиқча тасвир, пардоз асарга керак эмас. Тасвир асарнинг жонбахш бўлаги бўлмоғи лозим.

-- Абдулла Қаҳҳорнинг ҳозирги ёшларга меросини нималарда деб биласиз?

-- Абдулла Қаҳҳорни маҳорат, санъат масаласида айтган гапларини йиғадиган бўлсак, уларнинг ўзи катта китоб бўлади. Шунданми, Ёзувчилар уюшмасидаги мажлисга Қаҳҳор домла келади, дейишса залга одам сиғмай кетарди. Абдулла Қаҳҳор ҳар битта жумлани алоҳида мих қилиб қоқадиган ёзувчи эди. Домладан адабиётимиз, маданиятимиз равнақи учун хизмат қиладиган катта насрий асарлар, ҳали айтганимиздек жуда ихчам, лекин атомдек зич ҳикоялар, яхши қиссалар, драматик асарлар, жуда жиддий таржималар қолди. Ва менимча Абдулла Қаҳҳордан яна битта бойлик қолди. Адибнинг бир гапи бор эди: "Боғбон дарахт экади, ёзувчи одам экади". Ушбу ҳикматнинг заминида ҳам жуда катта маъно бор. Биринчидан, ёзувчи одам экади, дегани -- у асарларида адабиётга инсонлар образини, адабий аҳолини олиб киради, демакдир. Иккинчидан, юқоридаги гап яхши ижодкор ўзидан яхши шогирдлар қолдирмоғи керак, деган маънони билдиради. Бугунги кунда Қаҳҳор домланинг Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Учқун Назаров ва яна кўплаб шогирдлари адабиётимиз равнақига, мустақил мамлакатимиз маънавияти равнақига катта ҳисса қўшаётган ижодкорлардир. Ўйлайманки, Абдулла Қаҳҳорнинг номи худди Ғафур Ғулом, Ойбеклар каби узоқ йиллар яшайди. Бу ном унинг асарларида, унинг шогирдлари асарларида, шогирдлари хотирасида кўп йиллар қолади.

-- Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош: Назокат УСМОНОВА

Мирпўлат МИРЗО

Мамлакатимиз ёшлари...

ҚОРБЎРОН

Қиш куни-кў, лекин
Офтоб чарақлар.
Қалин қордан
Эгилибди дарахтлар.

Ташқаридан
Эшитилар шўх сурон.
Ҳаяжонли кимлар
Бу пайт қорбўрон.

Қаерлардан чорлай
Сени, айт, жоним,
Сенсиз ўтар кундузларим,
Оқшомим.

Илк муҳаббат
Юракларга солди из.
Лекин нафат қорлар
Қўлди севгимиз?..

Ташқаридан
Эшитилар шўх сурон.
Ҳаяжонли кимлар
Бу пайт қорбўрон...

ЧУЧМОМА

Сен баҳор эртагисан,
Чучмомажон, чучмома!
Қирларнинг безагисан,
Чучмомажон, чучмома!

Болаликда бир замон
Дуч келдим сенга ғайрон
--
Эдинг сен парча осмон,
Чучмомажон, чучмома!

Ям-яшил майса ғар ёқ,
Яшнар алвон қизғалдоқ,
Сен мажнус эдинг қўнроқ,
Чучмомажон, чучмома!

Сендан қолган хотира
Ёдимдан ўчмас сира --
Оҳ, митти қалб, бокира,
Чучмомажон, чучмома!

Ҳой-ҳавас отин миндим,
Ёт гулларга сигиндим,
Бугун сени соғиндим,
Чучмомажон, чучмома!

Омонмисан, бормисан,
Ё аламга ўрмисан,
Йўлларимга зормисан,
Чучмомажон, чучмома!

ЁЛҒИЗ ҚОЛДИРМА

Дилдан тошиб ғамларим,
Ёдга ўрса аламларим,
Оҳиз қолган дамларим,
Мени ёлғиз қолдирма!

Йиллар оқди бетинам,
Орқасидан боқдим жим,
Ташлаб кетди ёшлигим,
Мени ёлғиз қолдирма!

Сенсиз менга ҳаёт йўқ,
Сенсиз қўкда ҳилол йўқ,
Сенсиз ишқ йўқ, висол йўқ,
Мени ёлғиз қолдирма!

Ҳаҳрингг аро юрсам зор,
Тушларимга кир такрор,
Қулмасин ақли ағёр,
Мени ёлғиз қолдирма!

Ғима менга жафолар,
Қилсанг сен ғар вафолар!
Руҳимга бер сафолар,
Мени ёлғиз қолдирма!

Кўрдим, дунё шу экан,
Бахтлига ёғду экан,
Ёлғизга оғу экан,
Мени ёлғиз қолдирма!

АЙРИЛИҚ

Бой бердик илк ҳисларни,
Губор қўнди изларни,
Ҳазон бўлди бизларни
Олқишлаган кўртаклар.

Қувнардик бирга-бирга,
Сўнг тан бердик тақдирга,
Тўлди кузги ёғдирга
Баҳордаги қўлмаклар.

Ол шафақ ўзгармайин
Ҳилпирайди бир майин,
Ҳилпираса қандайин
Сен кийган ол кўйлаклар.

Эрк бериб хотирамга,
Қайтаман мафсуд дамга,
Ҳар тонг чўмар шаванга
Йиғлаб қолган йўлаклар.

Оҳларим юлдуз бўлди,
Қалбим тўла муз бўлди,
Баҳорларим куз бўлди,
Аёро тушиб юраклар!..

БИЗНИ ДУНЁ ТАНИЙДИ

Ўзбекистонимиз тобора ривожланиб, юксалиб жаҳон миқёсида танилиб бораётган бир даврда мамлакатимиз йигит-қизлари учун янгидан-янги уфқлар очилмоқда. Уларнинг таълим олишлари, ҳунар ўрганишлари учун ҳозир барча шароитлар муҳайё. Чет элларга чиқиш, хориж маданияти, тарихи ва ёшларининг турмуш тарзи билан танишиш имкониятининг яратилганлиги ана шундай уфқлардан биридир. Бу бахтга муяссар бўлган, болаликдаги орзуларидан бири ушалган, спорт туридан бири бўлмиш каратэнинг моҳир устаси Санжар Мақсудовдир.

-- Санжар, сиз Бельгияда бўлиб қайтибсиз. Сафар таассуротлари билан ўртоқлашсангиз?

-- Тошкентдан тўртта, Москвадан саккизта йигит каратэ бўйича мусобақада қатнашиш учун Бельгияга учдик. Мамлакат пойтахти Брюссель тайёрагоҳида самолётдан тушар эканмиз, аввало тайёрагоҳнинг, қолаверса шаҳар кўчаларининг тоза ва озодалиги мени ҳайратга солди. Бу ердагилар бизни жуда яхши кутиб олишди. Тайёрагоҳдан чиқиб спортчилар учун мўлжалланган кичик меҳмонхонага жойлашдик. Озгина дам олиб хордиқ чиқаргач, шаҳар маркази ҳисобланмиш Ротахаус штатини томоша қилгани бориб, Бельгия ёшлари билан танишиб олдик.

Бельгия мамлакатининг давлат тили фломан тили бўлиб, бундан ташқари улар Европа марказида жойлашгани учун яна уч тилда, яъни француз, немис ва инглиз тилларида ҳам сўзлашишаркан. Биз эса улар билан инглиз тилида гаплашдик.

Иқтидорлилар -- юрт бахти

Эртаси куни бизни Брюсселдан Бельгиянинг Тонгерло шаҳрига мусобақада қатнашиш учун олиб боришди. Мусобақадан аввал жуда ҳаяжонландик, ҳар қалай бегона юртдамиз. Бизнинг кураш услубларимиз уларга маълум келадими, бизни қандай қарши олишади, деган хаёллар бизга тинчлик бермасди. Шу алфозда мусобақада муваффақиятли қатнашиб, 1-ўринни олдик. Ўша пайтда бизнинг ҳолатимизни кўрсангиз эди... қувончимиз ичимизга сиғмас, бир-биримизни қучоқлаб роса табриклардик.

Кейин каратэ бўйича семинарда қатнашиш учун спортчилар шаҳарчасига жойлашдик ва машғулотларни ўша ерда давом эттирдик.

-- Бельгия аҳолиси ва унинг ташқи кўриниши ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

-- Бинолари асосан XVII асрга мансуб бўлганлиги учун, шаҳарга ўзгача чирой бағишлаб туради. Дўконлари эса жуда чиройли ва тартибли жойлашган бўлиб, сотувчилари ширинсўз ва хушмуомала. Халқи ҳам жуда меҳмондўст. Борганимиздан қайтгунимизга қадар бизни меҳмон қилишди. Тозаликка катта аҳамият беришаркан. Кўчада бир сиқим тупроқ ёки чанг кўрмайсиз. Ва менга ёққан томони шу бўлдики, уларда аёллар ва қизларнинг ҳурмати жуда баланд, ҳатто овозни кўтариб гапиришмайди. Фақат хушмуомалалик билан суҳбатлашишади.

-- Бельгия ёшлари билан Ўзбекистон ёшларининг орасида қандай фарқ кўзга ташланди?

-- Бизнинг ёшлар Бельгия ёшларига қараганда бироз бошқачароқ фикрлайдилар. Масалан, кўчада йигит билан қиз гаплашиб туришибди. Бизда танишлар кўриб қолса ғийбат қилиб, бўлмағур гапларни қўшиб тарқатишлари мумкин. Уларда эса бунинг акси. Нафақат Бельгияда, балки Европа мамлакатларининг барчасида инсоннинг ички дунёсига, маънавий қиёфасига қараб баҳо берилади. Манмансираш қаби иллатлар уларга ёт, ҳамма тенг ҳуқуқга эга.

Бельгияликлар фарзандлари 18 ёшга тўлиши билан уларни мустақил яшашга ундайдилар. Ўсмир эса ўқишдан сўнг ишлаб бўлсада бировнинг ёрдамига муҳтож бўлмай яшашга ҳаракат қилади. Биздаги фарзандлар уй-жойли бўлмагунча ота-она қарамоғида, уларнинг топиб келган ҳаражатини еб яшайдилар. Бизда ҳам балоғат ёшидаги ёшларни мустақил яшашларига ота-оналар имконият яратиб беришса ёмон бўлмасди.

-- Мамлакатда таҳсил олиш ва билим бериш жараёни қандай кечади?

-- Бельгия ёшларининг ўқишга бўлган қизиқиши жуда кучли. Улар вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Домлаларнинг ҳам баъзи талабалар билан алоҳида шуғулланишларига тўғри келади ва уларни ҳар томонлама ўрганиб, шунга қараб дарс берадилар. Уларни ҳар қандай вазиятда ҳам тушунишга ҳаракат қиладилар ва дарсларини шунақанги қизиқ қилиб ўтадиларки вақт қандай ўтиб кетганини билмай қолишади.

Биз ёшлар ўқишга ўз билимимиз билан кирсак, уларда эса пул билан кирадилар. Бу бизнинг ютуғимиздан биридир.

-- Келгуси режаларингиз қандай?

-- 1998 йилда Бельгияга яна бориш орзусидаман. Бельгия ёшларини Ўзбекистонга меҳмонга таклиф қилиш. Сўнгра болалигимдан орзу қилган Японияга, ўзим севган спорт тури каратэни янада мукаммалроқ ўрганиш ва малакамни ошириш учун насиб қилса бораман.

Ҳозирги кунда Санжар Мақсудов Шарқшунослик институти япон тили филологиясининг 1- курс талабаси.

Санжар билан анча вақтгача суҳбатлашиб ўтирдик. Унда ўзига бўлган ишонч, мардлик ва қатъийлик кўзларида яққол акс этарди. Унинг ўткир нигоҳига, маъноли сўзларига эътибор берар эканман, Ватанимизнинг, юртимизнинг ана шундай иқтидорли, Алпомишдек фарзандлари бор экан, унинг келажаги порлоқлигига, ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Биз унинг орзуларига парвоз, ўқиш ва ишларида омад тилаб қоламиз.

Муниса ЮНУСОВА,
"Туркистон" мухбири

Боксчилар муваффақияти

Тўрт нафар ўзбекистонлик боксчилар охирги жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, ўз вазнларида кучли саккизликка кира олдилар. Булар - Алишер Раҳимов (51 кг.гача), Темур Тўлоқов (54 кг.), Тўлқинбой Турғунов (57 кг.гача) ва жамоадаги энг тажрибали спортчи Дилшод Ёрбековдир (57 кг.гача) Жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ҳақида газетамиз орқали маълумот берилганини муштарийларимиз унутмаган бўлсалар керак. 91 кг. вазн тоифасида Русланнинг ғалабаси туфайли жамоамиз умумжамоа ҳисобида еттинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Афсуски бошқа боксчиларимизга голиб бўлиш насиб этмади.

Кейинги ўн йилликларда ҳавоскор боксчилар оламида Куба, Россия ва АҚШ энг кучли жамоалар сирасига киради. Айниқса кубаликлар супертренер Алсидес Сагарре туфайли биринчиликни бермай келаётган эдилар. 90-йиллардаги иқтисодий ва сиёсий парокандалик мамлакат спортига катта таъсир кўрсатди. Бундан фойдаланган россияликлар охирги чемпионатда ўз мавқеларини мустаҳкамлаб, биринчиликни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Саид АЗИЗ

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

ҚЎЙ. Ҳафта мобайнида ҳар қандай дилхираликлардан узоқроқ бўлинг. Акс ҳолда кўнгилсизлик юз беради. Чоршанбада кўтаринки кайфиятда бўласиз. Шу кунгача ўйлаб юрган режаларингиз амалга ошади, ғаройиб саргузаштларни бошдан кечирасиз.

БУЗОҚ. Ўзингиз ўрнида билмаган ва ҳатоликка йўйган ҳолатларга эътибор берманг. Мақсадларни аниқ белгилаб олинг. Тақдирингизда яхшилик рўй беради.

ЭГИЗАКЛАР. Истакларингиз мавжуд имкониятлар билан мос келади. Турмуш тарзингиз ўзгаради. Воқеа жараёни тезлашади. Кимнингдир бошига муҳаббат қуши қўнади.

ҚИСҚИЧБАҚА. Узоқни кўра билган ҳамда ақлли кишиларнинг омади келади. Бунинг ўзи етарли эмас. Ҳужжат ишларида назоратни кучайтиринг. Сизга қизиқувчи шахс пайдо бўлади.

АРСЛОН. Музокара чоғида ташаббускор, интизомли ва виждонли бўлинг. Зиддиятга тайёрлигингиз муҳим муаммони ҳал этишда қўл келади. Хавфли ҳолатдан чиқиб кетасиз.

ПАРИЗОД. Ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандларингиздан қувона оласиз. Сармоя жараёнида таваккалчилик кетмайди. Саломатлигингизни асранг. Олдинда ишқий саргузаштлар ва турли жараёнлар турибди.

ТАРОЗУ. Сизнинг ҳозирги ҳолатингиз генералнинг ҳолатига мувофиқ келади. Шошма-шошарлик ўзингизга зарар. Асабийлашманг. Барибир ҳолатни ўзгартиришга кучингиз етмайди.

ЧАЁН. Қандайдир тантаналар ва байрамларни ўтказасиз. Бизнес оламида эътиборли мансаб кўчасида ўтирган дўстингиз молиявий муаммоларингизни ҳал этиб беради.

ЎҚОТАР. Бу ҳафтада туғилганларни қутлаймиз. Орангиздан баъзилар ижодий қучғайрат ва кўтаринкилик билан меҳнат қилишади. Янги сармоядор шериклар билан топишасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бир мунча синовлар, хавотирлилик ва кўнгилсизликлар бўлиши мумкин. Яхшигина пул топиш учун зудлик билан ишга киришинг.

СУВ ПАРИСИ. Бирданига икки йўналиш бўйича ҳаракат қилишни истайсиз. Ички оламингизда янгилик пайдо бўлади. Муҳим ишларни ҳал қилишга киришасиз. Бахт юлдузингизга ишонинг.

БАЛИҚ. Бекорга куч сарфламанг, тақдирингизга бироз енгиллик туғдиринг. Майда ишларга вақт кетказманг. Молиявий имкониятларингизни бир даража ушлаб туринг.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Назокат УСМОНОВА

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97;
хатлар бўлими — 136-54-64;
тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий-ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, китобият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ЛУКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 0738.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 11.024
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти —21.30
1 2 3 4 5 6